Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 212 (4610).
18 СЕНТЯБРЬ 1981 й.
ЖУМА.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

## «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

● Республикамиз улкан хирмонига ўн биринчи беш йиллик биринчи йили ҳосилининг дастлабки тонналари топширилди. Бу йилги ҳосилни етиштириш осон бўлгани йўқ. Довул, сел, дўл, баҳорнинг кеч келиши деҳқонлар ташвишига ташвиш қўшди. Аммо дала меҳнаткашлари ниҳолларни қалб қўрлари, олтин қўллари билан муҳофаза этдилар. Мана энди сўнгги синов пайтлари етиб келди. Давлатга камида 5,9 миллион тонна пахта, шу жумладан 375 минг тонна нигичка толали пахта топширишимиз лозим. Ҳосилнинг етиштирилгани эмас, йиғиштириб олингани ҳисобланади. Шунинг учун ҳам деҳқонлар ҳар бир ҳаво очиқ кунни ғанимат билиб, йиғим-терим суръатини оширмоқдалар.

Пахта йиғим-терими жадал суръатлар билан олиб борилмоқда— 17 сентябрга қадар Бухоро областида йиллик планнинг 17,39 процанти, Фарғона областида 15,14, Сурхондарё областида 14,12 процанти миқдорида «оқ олтин» тайёрланди.

● Ўтган куни Бухоро областида йиллик планнинг 2,11 процанти, Фарғона областида 1,79 процанти, Сурхондарё областида 1,83 процанти миқдорида пахта терилди.

● Тошкент области заршуносларн ҳам суръатни оширмоқдалар. Ўтган куни областимиз бўйича йиллик планнинг 0,60 процанти миқдорида «оқ олтин» тайёрланди. Йиллик план 1,96 процент бажарилди.

● Республика бўйича бир кунда 0,99 процент, мавсум бошидан бери эса 6,57 процент пахта тайёрланди.

## РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

### Кеча

**Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти правлениесининг ташаббуси билан республика пропагандистларининг ўтказилган икки кунлик семинар-кенгаши ўз ишини ниҳоясига етказди.**

Бу семинар-кенгаш «КПСС XXVI съезди қарорлари муносабати билан республикада лектор кадрларни тайёрлашни яхшилашнинг тадбирлари» мавзусига бағишланди.

Республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан йиғилган пропагандистлар, лекторлар мактабларининг раҳбарлари аниқуманини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг лектори Ж. Ж. Жумаев кириш сўзи билан очди. Шундан кейин Бутуниттифоқ «Билим» жамияти правлениеси лекция пропагандаси илмий методика бўлимининг бошлиғи Г. С. Елигулашвили съезд қарорларини пропаганда қилиш борасида мамлакат пропагандистларининг олиб бораётган ишлари ва уларнинг вазифалари ҳақида доклад қилди.

●

**Тошкент тўқимачилик комбинатига қарашли ҳунар-техника билим юртида ишчи синфига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.**

Бу маросимда ана шу билим даргоҳини битириб тўқимачилик комбинатига меҳнатга йўл олаётган 236 ёш қатнашди. Йиғилганларни билим юрти директори И. Усмонов, комбинатнинг новатор ишчиси В. Эргашева, комбинат бош диерктининг ўринбосари З. М. Синкевич, ишлаб чиқариш таълими катта мастери К. С. Спридонова, битирувчи О. Усмоновалар ишчи синфининг номи нақадар улуғ эканлиги, бу номни ҳамиша пириза сақлаш, мамлакат халқ хўжалигини тараққий эттириш учун ҳар бир тўқувчи ўзининг маҳорати ва истеъдодини сафарбар этиши лозимлиги тўғрисида гапирдилар.

Билим юрти директори Илҳом Усмонов бундай деди:

— Бизнинг ҳунар-техника билим юртимиз 1934 йилда ташкил этилган бўлиб ўша пайтдан буён қизғин ишлаб келмоқда. Ҳозирга қадар уни ўн мингдан зиёд тўқувчилар битириб чиқишди. Шу кунларда ўқув даргоҳимизда 560 қиз таълим олянти. Шулардан 236 киши меҳнат қучоғига узатилмоқда.

Тўқимачилик комбинати қошида ҳозирги пайтда 85, 227, 228-ҳунар-техника билим юртлари ишлаб турибди. Уларда ўрта мактабларни битирган ёшлар тўқимачилик саноатининг бир қатор ихтисосликларини қизиқиш билан ўрганмоқдалар.

### Бугун

**Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети қошидаги ижодкор ёшларнинг «Илҳом» клуби ўзининг бу йилги фаолият мавсумини бошлади. Клубнинг бош раҳбари Насиба Усмонова олиб бориладиган тадбирлар юзасидан қуйидагиларни гапириб берди:**

— Клуб очилиши учун Ўзбекистон ёш рассомлари ва ҳайкалтарошларининг асарларидан иборат катта тасвирий санъат кўргазмасини ташкил этдик. Унда барча областлардаги истеъдодли мўйқалам усталарининг асарлари ўрин олган. Экспонатлар ўзининг бадиий етуклиги билан томошабинга завқ беради.

Клуб қошида ишлаб турган театр студияси санъаткорлари эса бугун томошабинлар диққатига «Даҳшатли тўй» спектаклини намойиш этадилар.

●

**В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалига Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг кўп сонли студентлари марҳамат қилдилар.**

Улар мўътабар даргоҳга қўйилган ноёб ва нодир экспонатларни қизиқиб томоша қилганларидан кейин кинолекторий залида «Ленин ва Туркистон» мавзусида лекция тингладилар.

●

**Ўрта Осиё медицина педнатрия институтида студентлар учун яна бир қулайлик яратилди.**

Олий ўқув юрти территориясида уч қаватли замонавий янги ўқув корпуси фойдаланишга топширилди. 60 га яқин аудиториядан иборат бўлган бу бинода бир йўла 1500 дан зиёд студент таълим олиши мумкин. Қурилиш ишларини 4-қурилиш трестининг 18-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари бажардилар. Бунёдкорлик ишларига 1 миллион 200 минг сўм, ўқув қуроллари учун эса 102 минг сўм сарфланди.

— Олий ўқув юртининг истиқболи янада порлоқ, — дейди хўжалик ишлари бўйича проректор Муҳсиддин Камолович Камолов. — Ҳозирги пайтда янги ётоқхона биноларининг лойиҳалари тайёрлаб бўлинди. Уларнинг қурилиши 1982 йилда бошлаб юборилади. Шундай қилиб ҳар бири 221 студентга мўлжалланган тўққиз қаватли бешта замонавий ётоқхона қурилиши бошланади. Қурилиш ишлари учун 2,5 миллион сўм маблағ ажратилди.

●

**Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг дам олиш зонасида тематик кеча ўтказилди.**

Бу кечани Киров район ижроия комитетининг социал таъминот ва маданият бўлимлари ташкил этди. Тошкент шаҳрининг 2 минг йиллик юбилейига бағишланган бу тадбирга уруш ва меҳнат ветеранлари, қаҳрамон оналар, ишлаб чиқариш новаторларидан мингдан ортиқ киши таклиф этилди.

Тематик кечанинг программасидан ишлаб чиқариш илғорларини улуғлаш, гражданлар ва Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг ҳикоялар, кутубхоналарнинг китоб кўргазмалари, Ҳамид Олимжон номли маданият уйи меҳнат ветеранлари хори, духовой оркестрлар ва район бадиий ҳаваскорлик коллективларининг чиқишлари ўрин олган.

Меҳмонлар тематик кеча очилиши олдидан республика виставкасининг бош павильонида ана шу муносабат билан очилган «Ўзбекистон социал таъминоти» бўлимини томоша қилдилар. Жуда кўп сонли рақамлар ва фотоматериаллар эзёратчиларни Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг халқ фаровонлигини оширишга қаратилган социал тадбирларнинг катта программасини ҳаётга татбиқ этаётганлиги ҳақида ҳикоя қилади.

### Эртага

**Тошкент каноп-йигирув фабрикаси меҳнатчиларидан бир группаси Сирдарё қирғоғида жойлашган дам олиш зонасига йўл олади. Балиқ ови ишқибозлари у ерда ўзига хос конкурс ўтказадилар, спорт мусобақалари ташкил этилади.**

Корхона фабрика-завод касаба союз комитетининг ташаббуси билан ишчиларнинг бундай коллектив дам олиши тез-тез уюштирилмоқда. Бутун ёз бўйи ишчилар ўз оилалари билан Иссиқкўл бағридаги дам олиш зонасида ҳам бир неча марта бўлдилар. Бутун ёз бўйи корхонанинг 700 дан зиёд ишчиси ўзининг дам олишини ана шундай уюшган ҳолда ўтказди. Келгусида Чимён, Хўжакент ва бошқа сўлим оромгоҳларга бориш мўлжалланмоқда.

●

**Сергели райони маданият бўлими Тошкент шаҳрининг 2000 йиллик юбилейига бағишлаб катта тематик кеча ўтказади.**

Бу тадбир «Коммунистик шанбаликнинг 50 йиллиги» боғи ва Аброр Ҳидоятов номли 1-маданият уйи ходимлари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

# БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ШАХДАМ ОДИМЛАРИ

КОММУНИСТЛАР —МУСОБАҚА ПЕШҚАДАМИ

## Меҳнатга шон-шарафлар!

Тошкент тўқимачилик комбинатининг биринчи тўқув фабрикасидаги маҳорат ошириш мактабида машғулотлар ишчи шарафи ҳақидаги суҳбат билан бошланди.

Илғор йигирувчи, коммунист Марзия Турсунхўжаева эндигина касбни эгаллаётган ёш хотин-қиз ишчилар группаси ҳузурида суҳбат ўтказди. У мастер ёрдамчиси Ёндош Бобоевни мисол қилиб келтирди. Бобоев ўз ташаббуси билан қолоқ участкага ўтди ва тармоқ нормасида белгиланган 40 та тўқув комплекти ўрнига 72 та комплектда ишлай бошлади. Юксак маҳорати ва меҳнатсеварлиги туфайли Е. Бобоев қолоқ участкани қисқа вақт ичида илғор коллективлар қаторига чиқариб, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили топшириғи муддатидан илгари бажарилишига эришди. Ана шундай муваффақиятни қўлга киритганлиги учун ишлаб чиқариш пешқадами «коммунистик меҳнат зарбдори» номига сазовор бўлди, комбинат партия комитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

М. Турсунхўжаева тўқимачилар кўрсатган меҳнат шавкатининг бошқа намуналари тўғрисида ҳам гапирди. «Бир беш йилликда икки беш йиллик планни бажарамиз!» шиори остида ўтказилаётган мусобақа ташаббускорларининг номи республикада ғоят машҳур. Биринчи тўқув фабрикасининг мастери. коммунист Сирожиддин Пўлатов ана шундай ташаббускорлард а н бири. У хизмат қилиш зонасини икки баравардан зиёд кўпайтириб, ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили топшириғини бажарай деб қолди. Пешқадамнинг портрети корхона Ҳурмат тахтасига қўйилган.

Фабрика партия бюроси М. Турсунхўжаевга ёшлар билан суҳбат ўтказишни топшириши бежиз эмас. Комбинатнинг бу тажрибали ходими ўзининг зарбдор меҳнати билан коллективда зўр ҳурмат қозонди. Фабрикада олдингилар қаторида М. Турсунхўжаева тиғиз график асосида ишлашга ўтди. У корхонада меҳнатда энг яхши кўрсаткичларга эришганлиги учун тўқувчи Виноградоваларнинг Бутуниттифоқ мукофоти лауреати бўлди. Пешқадам ишчи аёл ҳозир 1982 йил ҳисобига ишламоқда.

## ШИФОХОНАДА ЯНГИ БИНО

БУГУН

**Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига қарашли онкология диспансерида уч қаватли янги хирургия корпусининг бинои фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан саломатлик масканнинг бош врачи Баҳодир Маликов қуйидагиларни маълум қилди:**

—«Главташкентстрой»га қарашли 12-қурилиш трести 65-қурилиш бошқармасининг қўли гул бинокорлари шифохонамиз учун янги уч қаватли хирургия корпусини қуриб, муддатидан илгари тайёр қилдилар. Ҳар бир қаватда ўнтадан палата бўлиб, уларда бир йўла беморларнинг даволаниши учун юз ўрин ҳозирланган. Бундан ташқари икки қаватдан иборат бўлган операция блоки ҳам қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қурилиш ишларига ҳаммаси бўлиб 1 миллион сўм атрофида маблағ сарфланди.

Келгусида шифокорлар ва беморларга қулайлик яратиш мақсадида яна юз ўринли уч қаватли даволаш корпуси, озиқ-овқатларни тайёрлаш блоки қурилиши ҳам планлаштирилмоқда.

«Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ўртасида беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун социалистик мусобақа тобора авж олмоқда. Меҳнат беллашувида йигирувчи Мамлакат Шонаримова юксак натижаларга эришмоқда. «Бир беш йиллиқда— икки беш йиллиқ топшириқлари» шиори остида меҳнат қилаётган Шонаримова смена топшириқларини 200 процентга етказиб адо этмоқда.

Корхона ветерани Елена Ивановна Филатова ҳам илғорлардан қолишмаяпти. У кундалик нормасини 20— 30 процент ортиқ билан адо этяпти.

СУРАТЛАРДА: Мамлакат Шонаримова (чапда), Е. И. Филатова.

Р. Загратдинов фотолари.

## ДЎСТЛИК МАШЪАЛИ

Мамлакатдаги энг навқирон ва ажойиб шаҳарлардан бири, энергетикларнинг нур шаҳри — Норак 16 сентябрь куни Тожикистонда давом этаётган қардош халқлар дўстлиги байрамининг маркази бўлиб қолди.

ГЭС бошқарув бош пултининг навбатчи инженери Шорахмат Хисариев азиз меҳмонларга станция бугунги кунда Ўзбекистонга қанча энергия бераётганлигини кўрсатди. Шчитда: «500.000» рақами кўзга ташланади. Ёз фаслида бу рақам бир миллион киловатт-соатдан ошиб кетди. Тўққизта гидроагрегати бўлган станциянинг бутун жуда катта энергетика хўжалиги эндигина йигирма олти ёшга кирган шу инженерга бўйсунган бўлиб, бу агрегатларнинг ҳар бири мустақил ГЭС бўла олади. Тошкентдаги олий ўқув юртини битириб чиққан Ш. Хисариев йўлланма билан Норакка келди. Бу шаҳар қурилишида унинг отаси иштирок этган.

ГЭС — ўзининг техникавий даражаси ва мукаммаллиги, баландлиги 300 метр келадиган тўғони, сув омбори билан ноёб иншоот бўлиб, коммуникацияларнинг ер остидаги жуда катта комплексидан иборатдир. ГЭСни 40 миллат намояндалари барпо этишди. Норакнинг дастлабки қурувчиларидан бири, партия XXVI съезди делегати, комплекс бригада бошлиғи Муҳаббат Шарифов бу ерда бўлиб ўтган дўстлик кечасида ана шу ҳақда гапириб берди. Норакни барпо этишда бутун мамлакат кўмаклашди.

Бу ердаги музейда 1924 йилда чиқарилган газетадан олинган қизиқарли фотосурат бор: тоғлар фонида дарчали, пахса деворли пастак уй кўзга ташланади. Фотосурат тагига қўйидаги сўзлар ёзиб қўйилган: «Тожикистон ССР ташкил этилган йилда ток берган дастлабки гидростанция ана шундай кўринишда эди». Бу гидростанция республика пойтахтини электр энергия билан таъминлаб турди. Ҳозир бу станция йўқ. Тожикистон энергетикаси нимадан бошланганлигини энди ана шу фотосуратда кўриш мумкин...

Қардош Ўзбекистон вакиллари дўстлик кечасида норакликларга самимий салом сўзларини айтдилар. Шу кеча Ўзбекистон ССР санъат усталари навқирон шаҳар меҳнаткашларига катта концерт қўйиб бердилар.

Меҳмонлар Норак энергетиклари маданият саройининг ноёб кутубхонасини ҳам бориб кўрдилар. Бу ердаги 11 минг томлик китобнинг ҳаммасига дастхат ёзилган. Кутубхонада Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Кўриқ» китоблари аввалаб сақланмоқда. Китоб жавонларида Шароф Рашидовнинг дастхатли китоблари турибди. Кўпгина ёзувчилар Норак ГЭСи қурилишида бўлиб, Вахш дарёсидаги ана шу мўъжизада ўз қалб қўрининг ҳароратини қолдирганлар.

Ҳозирги адабиёт ва санъат кунларининг қатнашчилари нодир китоб хазинасини бойитдилар. Адиблар Норакда кўрган нарсалардан ғоят қойил қолганликларини билдирган сўзларни ёзган ўз асарларини кутубхонага туҳфа этдилар. Норак — совет халқи куч-қудратининг, мустаҳкам дўстлигининг рамзи, интернационализмнинг буюк ёдгорлиги бўлиб қолди.

Ўзбекистон адиблари, рассомлари, композиторлари, артистлари, кино арбоблари 17 сентябрь куни эрталаб самолётларга, автобусларга тушиб республиканинг турли жойларига жўнаб кетдилар. Кечқурун эса Ленинобод, Панж, Хорог, Қўлоб, Файзиободда, колхозларда, қурилишларда, саноат корхоналарининг цехларида меҳмонлар шарафига яна байрам чироқлари порлади.

С. ФРОЛОВА,
О. ОСИПОВ,
ЎзТАГ махсус мухбирлари.

## ИЗВЕСТИЯЧИЛАР ГАЗЕТХОНЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Тошкент шаҳридаги корхоналарнинг меҳнаткашлари ва студентлар, республика пойтахти жамоатчилиги вакиллари «Известия» газетасининг журналистлари билан учрашмоқ учун 17 сентябрь куни «Билимлар уйи»га келдилар.

«Известия» газетаси редколлегиясининг аъзоси, «Неделя» ҳафталик иловасининг бош редактори В. А. Архангельский тўпланганларни редакция иши билан, унинг КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини пропаганда қилиш соҳасидаги планлари билан таништирди. У ҳозир бўлганларнинг саволларига жавоб берди.

Кечада газетхонлар газета материалларининг мазмуни ва тематикасини янада яхшилаш юзасидан бир қанча истаклар билдирдилар.

(ЎзТАГ).

### тонгги газеталарда

● КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 17 сентябрь куни Кремлда Буюк Британия лейбористлар партиясининг раҳбари М. Фут ва партия раҳбарининг ўринбосари Д. Хили билан учрашди.

Дунёдаги ҳозирги аҳволнинг ҳамда Англия-Совет муносабатларининг актуал масалалари хусусида фикрлашиб олинди.

Суҳбат амалий тарзда, дўстона вазиятда ўтди.

● БМТ Бош ассамблеясининг XXXVI сессиясидаги СССР делегацияси бошлиғи КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико 17 сентябрь куни Москвадан Нью-Йоркка жўнаб кетди.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Ўзбекистон ихтирочилари ва рационализаторлари II слётининг қатнашчиларига йўллаган табриги эълон қилинган.

## Гастроль қизғин ўтди

Тошкент Давлат оперетта театрининг коллективи Павлодар областида бир ой давомида муваффақиятли гастроль сафарини ўтказгандан кейин шаҳримизга қайтиб келди.

**Театр директори А. Ладин мухбиримиз билан суҳбатда сафар таассуротлари ҳақида қуйидагиларни маълум қилди:**

— Театримиз ижодий труппасининг гастроллари ҳар томонлама муваффақиятли ва фойдали бўлди.

Томошабинлар театримиз репертуаридаги Е. Птичкиннинг «Аёллар исёни», И. Штраусниинг «Кўршапалак», Ф. Легарнинг «Лўлилар муҳаббати», А. Журбининг «Пенелопа», О. Фельцманнинг «Муҳаббат шундай бошланади» асарларини эўр қизиқиш билан томоша қилдилар. Газеталар, спектакларимизнинг бадиий ижросига ўзининг тез-тез муносабатини билдириб турди. «Звезда Прииртишья» газетаси театрнинг гастроль сафарларини шарҳлаб борди.

Театр коллективи гастроль сафарида қишлоқ меҳнаткашларига оталиқ концертларини кўрсатди, саноат корхоналарининг ишчилари билан ижодий учрашувлар, томошабинлар билан конференциялар ўтказди.

Халқаро мавзуда суҳбат

## АФҒОНИСТОН ҲУКУМАТИНИНГ ТАШАББУСИ

Бутун дунё, айниқса Осиё мамлакатлари жамоатчилиги Афғонистон Демократик Республикаси ҳукуматининг шу мамлакат тевараги вужудга келган вазиятни нормаллаштириш йўллари хусусидаги янги тинчлик ташаббусини ғоят қизиқиб кутиб олди ва кенг миқёсда муҳокама қилмоқда. Матбуот органлари АДР ҳукуматининг таклифлари Афғонистон кўшинларининг музокараларга ёндашувини муайян даражада ҳисобга олишини ҳамда вазиятни нормаллаштиришнинг кўпгина йўлларини баён этиб берганини уқтириб, АДРнинг янги ташаббуси дунёнинг шу районидаги кескинликни юмшатиш йўлида қўйилган ижобий қадам бўлди, деган хулосага келмоқдалар. Афғонистон теварагидаги сиёсий вазиятни бартараф этишдан чинакамига манфаатдор бўлган барча мамлакатлар шу қадамдан фойдаланса лар мақбул бўлур эди.

Хўш, ташаббуснинг моҳияти нимадан иборат? АДР ҳукумати ўз қўшнилари — Покистон ва Эронга музокара бошлашни ва ўз ўрталаридаги мавжуд ихтилофларни сиёсий воситалар билан ҳал этиш йўлини топиш ва шу тариқа бу райондаги вазиятни нормаллаштиришга асос солиш учун икки ёки кўп томонлама асосдаги ҳамма масалаларни муҳокама қилишни таклиф этди. АДР ҳукумати ўз қўшниларига Афғонистон ишларига чет элдан бўлаётган аралашувнинг ҳамма формаларига қарши халқаро гарантияларни белгилаб олиш ва шу ҳақда бир битимга келишни таклиф қилди. Шу гарантияларнинг амалга оширилиши Афғонистоннинг суверенитетини ҳимоя қилиш учун киритилган чеклаланган миқдордаги Совет қўшинларини мамлакатдан олиб чиқиб кетиш учун шарт-шароитяратган бўлур эди. Бошқарти, Афғонистоннинг қўшнилари ўзларининг АДР билан ихтилофларини сиёсий воситалар билан дарҳол ва тўла ҳажмда бартараф этишга ҳали тайёр бўлмасалар, Афғонистон ҳукумати бу ишни босқичма-босқич қилишни таклиф этди. Аммо у ҳар қандай ҳолатда ҳам империализм ва унинг гумашталари айби билан бу ерда вужудга келган танглик вазиятини бартараф қилиш жараёнини ҳеч кечиктирмай бошлашни таклиф қилмоқда.

Бироқ, революцион Афғонистонга нисбатан душманлик кайфиятидаги доиралар АДР ҳукуматининг янги ташаббуси хусусида лом-мим демаяптилар, ёки гўё бу ташаббус «мутлақо янгилик эмас» ва шу сабабли Апрель революциясининг ғалабасидан кейин АДРда содир бўлган илғор ўзгаришларни тан олишдан бош тортаётган мамлакатларнинг позицияларида ҳеч қандай ўзгариш бўлиши керак эмас, деб даъво қилмоқдалар.

Шу тариқа улар эски ашулани такрорламоқдалар. Шу йилнинг бошларида Афғонистон билан Покистон ўртасида музокара бошланишига умид туғилган пайтда ана шу доиралар Афғонистон теварагидаги вазият тинч бартараф этилиши мумкинлигидан ташвишга тушиб қолганликларини ва АДР ҳукумати тан олинишидан ўлгудек чўчиб кетганликларини яширмаган эдилар. «Мана шу имкониятлардан бирортаси рўёбга чиқиб қолса, ғарб учун қийин муаммо пайдо бўлур эди», деб ёзганди ўшанда Англиядаги «Файнэншл таймс» газетаси.

Ажабо, қандай муаммо пайдо бўлар экан? Уша пайтда «Пакистан таймс» газетасининг бош редактори З. Сулейри бу саволни бирмунча ойдинлаштириб берди. «Ғарб мамлакатлари ўз манфаатларини кўзлаб, Афғонистон масаласини «қалтис ҳолатда» сақлаб қолишга интилмоқдалар», деди у. Ғарб мамлакатлари, аввало, АҚШнинг, шунингдек Пекиннинг ва АДРга қарши эълон қилинмаган урушда қатнашаётган араб режимларининг ёппасига қилган тазйиқи натижасидагина Покистон раҳбарлари ўшанда Қобул билан музокара бошлаш ниятидан воз кечган эдилар.

Ўша пайтдан бери мазкур доираларнинг Афғонистон ички ишларига аралашуви ва унга қарши қўпорувчилик ҳаракатлари кучайди. Вашингтондагилар Покистондан макон топган ва у ердан Афғонистонга юборилб турилган афғон аксилинқилобчиларига Америка қуролини етказиб беришни кенгайтириш ниятида эканликларини билдирдилар. Америкада чиқадиган «Инкуайри» журналининг эътироф қилишича, ҳозир АҚШ Марказий Разведка Бошқармаси Афғонистонда Вьетнамдаги урушдан кейин энг катта махфий операцияни амалга оширмоқда. Бунда афғон босмачиларга 100 миллион долларлик энг замонавий қурол-яроғларни етказиб бериш кўзда тутилган.

Мана шундай аралашув кучайиб бораётганлигига, империалист доиралар билан Пекин дунёнинг бу районидаги вазиятни кескинлаштиришга уринаётганлигига қарамай, Афғонистон раҳбарлари региондаги вазиятни нормаллаштириш учун очиқ-равшан йўл очадиган янги дадил ташаббус билан майдонга чиқдилар. СССР, Ҳиндистон, Жанубий-Ғарбий Осиё районидаги кескинликни юмшатишдан, умуман халқаро вазиятни соғломлаштиришдан манфаатдор бўлган бошқа мамлакатлар бу ташаббусни қўллаб-қувватладилар.

Бу ташаббуснинг рўёбга чиқарилишидан шу регион халқларигина эмас, балки бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашдан манфаатдор бўлган барча халқлар ҳам наф кўрган бўлур эдилар. АДРнинг қўшнилари бу ташаббусга муносиб баҳо беришлари керак. Самимият билан қилинган таклифни улар мардона қабул қиладиларми, йўқми эканини вақт кўрсатади.

А. БИРЮКОВ,
ТАСС мухбири.

# Хатларга мутасадди раҳбарлар жавоби

«Тошкент оқшоми»га

- Билим юртини тугаллаган ёшлар институтга кирмоқчи бўлса
- Уйларнинг санитария ҳолатига нега эътибор берилмаяпти?
- Такси хизмати хусусидаги ҳақли эътирозлар
- Электр транспорти ишидаги нуқсон қачон барҳам топади?

Мени яқинда маъмурият фаолиятини контроль қилиш комиссиясига аъзо қилиб сайлашди. Айтингчи, бу комиссия қандай тузилади, унинг вазифаси нималардан иборат? Шу ҳақда тасаввурга эга бўлишни истардим.

Л. АҲМЕДОВ, ишчи.

## ҚАНДАЙ НАЗОРАТ ҚИЛИНАДИ?

**А. МАҚСУДОВ,**
**Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи партия комитетининг секретари.**

— Дарвоқе, партия ташкилотларини маъмурият фаолиятини контроль қилиш ҳуқуқини амалга оширадиган комиссияларининг қандай тузилиши, уларнинг вазифалари кўпчиликни қизиқтиради. Айниқса ўртоқ Л. Аҳмедов каби комиссия составига янги сайланган кишилар дастлабки вақтларда иш моҳиятини билмай қийналишлари табиийдир. Давлат планлари ва топшириқларининг бажарилиши учун масъулиятни кучайтириш, КПСС Устави маъмурият фаолиятини контроль қилиш юзасидан берган ҳуқуқларини тўлароқ амалга ошириш, шунингдек партия ички демократиясини янада кенгайтириш, коммунистларнинг ташаббускорлиги ва фаолиятини авж олдириш мақсадида кўпгина бошланғич партия ташкилотлари маъмурият фаолиятини контроль қилиш комиссиялари тузадилар.

Тажриба шуни кўрсатяпти, комиссиялар партия контролига бирмунча конкрет характер ва доимийлик тусини бериб, партия ташкилотларининг ишлаб чиқариш ҳамда ходимларни партия ва давлат интизомига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялаш ишига таъсирини кучайтиришнинг муҳим воситаси бўлиб қолди. Бошланғич партия ташкилотларига маъмурият фаолиятини ёҳуд аппарат ишини контроль қилиш ҳуқуқи берилган ҳозирги пайтда кўрсатиб ўтилган комиссияларнинг аҳамияти ва роли яна кўпроқ ортди.

Маъмурият фаолиятини контроль қилувчи комиссияларни тузаётган партия ташкилотнинг доираси кенгайиб бориши билан унинг фаолияти кўп қирралироқ ва хилма-хилроқ бўлиб бормоқда, Ҳаёт уларни тузиш практикасига ҳам ўзгаришлар киритди. Комиссиялар кўп ҳолларда илгаригидек ҳисобот-сайлов йиғилишларида очиқ овоз бериш йўли билан сайланади. Шу билан бирга маъмурият фаолиятини ёки аппарат ишини контроль қилиш комиссиялари иш манфаатлари ва навбатдаги вазифаларни ҳисобга олиб кўпинча навбатдаги партия йиғилишларида ҳам сайланади, шунингдек партбюро ёҳуд партком ининг қарори билан тузилади. Айни чоқда доимий комиссиялар билан бир қаторда муваққат комиссиялар ҳам тузилади. Партия ташкилотлари қандай комиссиялар тузиш ва қандай составда тузиш кераклигини ўзларига топширилган ишнинг ҳажми ва характерига қараб белгилайдилар. Контролни амалга оширишда халқ контроли комитетлари, группа ва постларига кўпроқ таяниш, уларнинг ташаббуси ва текшириш натижаларига оид таклифларини активроқ қўллаб-қувватлаш, уларнинг ишини такрорламаслик, балки очилган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан таъсирчан чора-тадбирлар кўриш зарурлигини ҳам ҳисобга олмоқ керак.

Бизнинг корхонамиз партия комитетида маъмурият фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқини амалга оширувчи бешта комиссия тузилган. Айниқса иш сифати ва транспорт воситаларидан фойдаланишни назорат қилиш комиссиялари муваффақиятли иш олиб боряпти. Уларга В. Башкатов ва М. Калимулин сингари тажрибали кишилар бошчилик қилишяпти. Капитал қурилиш ва дастгоҳларни ишга тушириш, кооперация бўйича буюмлар етказиб бериш ва халқ истеъмоли буюмлари тайёрлаш ҳамда янги техникани жорий этиш бўйича комиссиялар ҳам иш олиб бормоқда. Бундан ташқари, бизнинг корхонамизда ҳар бир цехда ҳам комиссиялар тузилган. Бу ерда шуни айтиб ўтиш керакки, бу комиссиялар қандайдир алоҳида иш олиб борувчи контроль органи эмас, балки бевосита корхонамиз партия комитети топширигини амалга оширувчи комиссиялардир. Улар бевосита партия комитети, унинг бюроси раҳбарлиги остида иш олиб боришади. Текшириш натижалари вақти-вақти билан йиғилишларда муҳокама қилиб борилади. Улар жамоатчилик актив мададига таянган ҳолда иш олиб борадилар.

## УЗЛУКСИЗ СТАЖ ҲАҚИДА

Ҳурматли редакция! Узлуксиз иш стажи тўғрисида айрим ўзгаришлар бўлди деб эшитдик. Ҳақиқатан ҳукуматнинг сўнгги пайтда бу хусусда қандай қарорлари чиқди? Биз яқинда пенсияга чиқишимиз керак. Албатта ана шу узлуксиз иш стажи тўғрисидаги маълумотлар бизни жуда қизиқтиряпти. Илтимос, шу ҳақда мутахассиснинг маълумотини берсангиз.

А. КАРИМОВ, А. АБДУРАҲИМОВ,
Тошкент ёғочни қайта ишлаш комбинати ишчилари.

**А. ҲАСАНОВ,**
**«Главсредазирсовхозстрой» нинг «Промстройматериали» трестига қарашли ёғочни қайта ишлаш комбинати юрист-консультанти.**

— Давлат социал страхованиеси бўйича ишчи ва хизматчиларга нафақа тайинлаш ва давлат пенсиясига қўшимча ҳақ тўлашда ишчининг охирги иш жойидаги узлуксиз иш стажининг давомийлиги ҳисобга олинади. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг 1979 йил 13 декабрдаги «Халқ хўжалигида меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш ва кадрлар қўнимсизлигини қисқартириш» ҳақидаги қарорида кўрсатилганидек, календарь йил давомида ишдан такроран ўз ихтиёри билан сабабсиз бўшаганда узлуксиз иш стажи сақланмайди. Хўш, қандай ҳолларда сабабли бўла олиши мумкин?

Уларнинг рўйхати СССР Давлат меҳнат комитети ва ВЦСПСнинг 1980 йил 9 июлдаги тушунтириш хатида кўрсатилган. Ушбу тушунтириш хатига асосан календарь йил давомида ўз ихтиёри билан ишдан такроран бўшаш қуйидаги ҳолларда сабабли ҳисобланади:

а) агар эр ёки хотин бошқа жойдаги ишга ўтиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинса, эр ёки хотинни ишга ёки хизмат бурчини ўташ учун чет давлатга юборилса ҳамда эр ёки хотин (улардан бирининг) турар жойига кўчиб ўтилса;

б) агар ишчининг бетоблиги ишни давом эттиришга ёки бу ерда туришига халақит берса, у ҳолда ишдан бўшаш сабабли ҳисобланади, бироқ медицина хулосаси бўлиши шарт. Шунингдек, кишининг касал оила аъзосига ёки биринчи группа инвалидига ноилож қараб туриши керак бўлса, юқоридаги тартибга қўшилади;

в) ташкил этилган қишлоқ хўжалик ишларига жалб қилиш муносабати билан кўчиб кетиш, жамоатчилик чақириқлари ва бошқа СССР ҳукумати қарорлари билан белгиланган ҳолларда маъмурият ишчи ва хизматчиларни халқ хўжалигининг айрим тармоқларида ишлаш учун ишдан озод этишга мажбур, бу эса сабаблидир;

г) конкурс оқибатларига кўра мансабга сайланиш. Ўрта ва олий ўқув юртларига, аспирантура ёки клиник ординатурага кирганида узлуксиз иш стажи сақланган ҳолда ишчи ўз ихтиёри билан ишдан бўшатилади.

д) агар маъмурият томонидан меҳнат қонунчилиги, яъни коллектив ёки меҳнат шартномаси бузилиши оқибатида ишчи ишдан бўшатилса, (СССР ва Иттифоқдош республикалар Меҳнат қонунлари асослари 16-моддаси) ҳам унинг стажи узилмайди.

Инвалидлар, қарилик пенсиясини олаётганлар, ҳомиладор аёллар ва 8 ёшгача боласи бор аёллар ўз ихтиёри билан такроран ишдан бўшаши узрли ҳисобланади.

СССР Давлат меҳнат комитети, ВЦСПСнинг тушунтириш хатидаги сабаблар кўзда тутилмаган баъзи ҳолларда ишдан бўшатиш ҳоллари ҳам учраб қолиши мумкин, буидай ҳолда республика, ўлка, область, касаба союз Советлари Президиумлари алоҳида ҳолларда ушбу ишдан бўшаш сабабларини узрли деб топиб, узлуксиз иш стажини тиклайди.

Юқорида кўрсатилган сабаблар билан ишчи ўз ихтиёрига кўра ишдан бўшаганида, узлуксиз иш стажини сақлаш учун меҳнат дафтарчасига тегишлича шу сабабларни кўрсатиб ёзиб кўйиш керак. Масалан, «Олий ўқув юртига кирганлиги сабабли ишдан ўз ихтиёри билан бўшади. ЎзССР Меҳнат конунлари кодекси, 48-моддаси».

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС томонидан эълон қилинган 1979 йил 13 декабрь қарорида СССР Давлат меҳнат комитетининг 1980 йил 9 июль тушунтириш хатидаги белгиланган қоидалар ушбу қарор чиққандан бошлаб ўз ихтиёри билан такроран ишдан бўшаш ҳолатларида қўллана бошланди.

✦ МЕҲНАТ ВА ҚОНУН

## ИШДАН БЎШАШИМ МУМКИНМИ?

Мен 1978 йили 34-ҳунар-техника билим юртига ўқишга кириб, 1981 йилнинг июль ойида уни токарлик ихтисоси бўйича тугатдим. Мени «Миконд» заводига ишга йўллашди. Шу ерда ишлаяпман. Мен техникум ёки институтнинг кечки бўлимида ўқимоқчи эдим. Лекин кадрлар бўлими бошлиғи аттестат ва дипломимни бермаяпти. Ишдан бўшаш тўғрисида ҳам бир неча бор ариза ёзиб бердим. Лекин натижа бўлмаяпти. Хўш, мен нима қилишим керак?

З. БАҲРИДДИНОВ, ишчи.

**Ж. ҚАЛАНДАРОВ,**
**«Миконд» заводи кадрлар бўлими бошлиғи.**

— Биз корхонамизда ёш ишчи кадрлар тайёрлашга катта эътибор бериб келамиз. Шу мақсадда заводимиз қошидаги 200-ҳунар-техника билим юрти ҳар йили бизга кўплаб етук ишчи ўринбосарлари тайёрлаб беряпти. Шунингдек, корхонамизга бошқа ҳунар-техника билим юртларини тугатган ёшлар ҳам йўлланма билан ишга келишади. Еш ишчи-токарь Зуҳриддин Баҳриддинов ҳам худди шунингдек, 34-ҳунар-техника билим юртини тугаллаб, 10-цехга йўлланма билан ишга келган. Тўғри, уни шу йилнинг 31 июлида ишга қабул қилганмиз. Лекин, аниқлашимизча, у ҳали бирор кун ишламаган ва техникум ёки институтнинг кечки бўлимида ўқийман деб, диплом ва аттестатини талаб қилган.

Ваҳоланки, бизга ҳунар-техника билим юртини тугатиб келган ёш ишчилар мажбуриятини ҳисобга олмаймиз. Эрта билан долзарб паллада ҳайдовчилар:

— Олдинги вагонга ўтинглар, бунисиз бормайди, деб диспетчерхонага гириллаб қолишади.

4 сентябрь эрталаб соат ўнда Навоий кўчасидаги «Милиция мактаби» бекатига келгач 1160-рақамли вагон бузуқ баҳонаси билан парнка жўнаб қолди. Биз бу ерда ҳали кўрмаган вагонлар парадини томоша қилдик. 1231, 1125, 1177-вагонлар шу бекатдан қаторасига «Дўстлик» меҳмонхонаси томон, 1188 ва яна бир вагон Ленин проспекти томон бурилиб кетди. Бу ҳол қачонгача давом этади?

О. МАЪДИЕВА, И. КАЛАШНИКОВА, кўп болали оналар ва бошқа йўловчилар.

Тошкент бадиий буюмлар фабрикасининг дўппи цехи корхонанинг пешқадам цехларидан ҳисобланади. Бу ерда ойига 70 мингдан ортиқ турли дўппилар ишлаб чиқарилади. Унга яқин дўппининг давлат Сифат белгиси бор. Бу муваффақиятларда цехда меҳнат қилаётган Убайдулла Раҳимжонов бошлиқ комсомол ёшлар бригадаси аъзоларининг салмоқли улуши бор.

СУРАТДА: (чапдан-ўнгга) бригада бошлиғи Убайдулла Файзуллаев, бригада аъзолари Зебихулла Файзуллаев ва Карим Саримсоқовлар билан.

Х. Мирзакаримов фотоси.

## Мукофотдан маҳрум этилди

Киров районидаги 3-Ҳисор проездида чиқинди уюмлари пайдо бўлган. Киров район «Автодормехбаза»си июль ойида фақат бир марта машина юборди. Август ойида бирорта ҳам машина келгани йўқ. Биз 41-71-01, 41-71-02 телефонлари орқали «Автодормехбаза»га нўнғироқ қилсак, «Эртага чиқиндилар олиб кетилади» деб ваъда беришади. Ваъданинг эса чеки кўринмаяпти.

А. ИБРОҲИМОВ.

**В. ТУХТИН,**
**Киров райони «Автодормех база»си директори.**

— Ўтган ойда 3-Ҳисор проездидаги чиқиндилар ўз вақтида ташиб кетилмаганлиги аниқланди. Ана шу участкага бириктирилган ҳайдовчи отпускага чиққанлиги сабабли унинг участкасига бошқа ҳайдовчи бириктирилган эди. Лекин у эътиборсизлик қилиб, 3-Ҳисор проездига график бўйича кириб ўтмаган. Ўз вазифасига совуққонлик билан муносабатда бўлиб, графикка риоя этмаганлиги учун ана шу ҳайдовчи ойлик мукофотдан маҳрум этилди.

Ҳозир юқоридаги участкага ҳайдовчи Т. Абдураҳмонов (автомашина номери 92—23) бириктириб қўйилди. У қатъий белгиланган график асосида чиқиндиларни ташиб кетяпти.

3-Ҳисор проездидаги аҳволни назорат қилиб борши «Автодормехбаза»нинг эксплуатация бўлимига юкланди.

## ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ҳурматли редакция! Биз Юнусобод массивидаги А—3 микрорайонининг 10, 11, 12, 13, 14-уйлари истиқоматчилари «Тошкент оқшоми»нинг шу йил 7 август сонида босилган Киров район ижроия комитети раисининг ўринбосари А. Роговнинг «Назорат остига олинди» жавобини ўқиб ажабландик. Ўртоқ А. Рогов «Барча уйларда санитария-гигиена ҳолати мунтазам назорат қилинмоқда» деб нотўғри жавоб берган.

Бундан ташқари А—3 микрорайонида «Автодормехбаза» хизмати ҳам яхши йўлга қўйилмаган. 12, 13-уйлар оралиғида доимий равишда чиқиндилар тўпланиб кўнгилни хира қилади.

10, 11, 12, 13, 14-уйларнинг истиқоматчилари номидан:

М. АМИРОВА.

**Ж. ЖОНИБЕКОВ,**
**Киров район Совети ижроия комитетининг раиси.**

— Дарҳақиқат, истиқоматчиларнинг шикояти қилишларига асос бор. Текширув ўтказилганда шикоятда қайд этиб ўтилган А—3 микрорайонидаги 4, 22-уйларда подвалларнинг ҳақиқатан ҳам захлиги, бу захлик чивинлар ва ҳар хил зараркунандалар и келтириб чиқаришга сабабчи эканлиги аниқланди.

Бу ноқулайликнинг келиб чиқишига Қорақамиш канализацион коллекторидаги авария сабаб. Бу авария натижасида канализация суви подвалларга ўтган. «Водоканал» трести авария ҳолатини тугатиш учун ўз вақтида конкрет чора-тадбирлар кўрди. Ана шу авария натижасида А—3 ва А—4 микрорайонларида 18 та турар-жой биноларининг подвалларига сув кириб, захланишига сабаб бўлди.

Айни пайтда подвалларни сувдан тозалаш, дезинфекциялаш ишлари қизғин олиб борилмоқда.

Чиқинди ва ахлатларни эса «Автодормехбаза» машиналари ҳар куни ўз вақтида олиб кетмоқда.

## БИР УЙНИНГ ИККИ МУАММОСИ

Чилонзорнинг В—23 кварталидаги (Акмал Икромов райони) 51-тўққиз қаватли уйда истиқомат қиламиз. Уймиз кўп қаватли бўлгани учун унинг юқори қаватларига кўтарилиш қариялар ва ёш болали аёллар учун гоят машаққатли. Лифт гоҳ ишлайди, гоҳ ишламайди.

Иккинчи муаммо— уймиз ертўласини ҳамиша сув босиб ётади. Бунинг оқибатида пашша, чивин кўпаймоқда. Биз 11-ЖЭУ ходимларига бир неча марта шикоят қилдик. ЖЭУ ходимлари «хўп» дейишади-ю, лекин ифлос сувни ўз вақтида насос ўрнатиб чиқариб ташлашмайди.

Н. РАҲИМОВА, И. ШОМИРЗАЕВА, С. ХУЖАКЕЛДИЕВ ва бошқалар.

**П. КРАСИЛЬНИКОВ,**
**шаҳар уй-жой бошқармасининг «Лифтремонт» ремонт-қурилиш бошқармаси бош инженери.**

— Чилонзор массивининг В—23 кварталидаги 51-уйда ўрнатилган лифтнинг тез-тез бузилиб туриши бизга маълум. Бунинг асосий сабаби, лифтнинг техник жиҳозлари эскириб қолганидадир.

Биз яқинда ана шу кварталга хизмат кўрсатувчи участка ходимларининг йиғилишини ўтказдик ва уларнинг эътиборини лифтнинг қониқарсиз ишлаётганига қаратдик. Унинг мунтазам ишлашини таъминлаш бўйича тегишли тадбирлар белгиланди. Булар аҳолига вақтинча қулайлик яратиш мақсадида кўрилган тадбирлардир. Келгусида эса ана шу жойда янги лифт ўрнатилади. Биз бу ишни ноябрь ойидан кечиктирмай бажаришни планлаштирибқўйдик.

**А. ЮНУСОВА,**
**Акмал Икромов районидаги 11-ЖЭУ бошлиғи.**

В—23 кварталидаги 51-тўққиз қаватли уйнинг ертўласида пойдевор изоляция қилинмаган ва дренаж қурилмаси ўрнатилмаган. Шу боисдан ирригация тармоқлари ёки ёмғир сувлари ертўлага сизиб ўтади. Баъзан канализация тармогидаги нуқсон ҳам бунга сабаб бўлади. Жумладан кейинги пайтда 51-уй ертўласининг бир неча марта сув босишига шу уйда яшовчи айрим кишиларнинг ўзлари сабабчи бўлишган.

Ертўланинг барча отсеклари бир-бири билан уланмаганлиги туфайли сув авария хизмати томонидан чиқариб ташланмайди. Бизнинг ихтиёримизда бўлган ягона кам қувватли насос эса бир отсекдан иккинчисига олиб ўтилиб, навбатма-навбат ишлатилади. Бу иш унумини гоят пасайтиради. 11-ЖЭУга қарашли ўндан ортиқ ана шундай уйлар бор. Биз бу уйларнинг ертўлаларига тўпланиб қолган сувларни чиқариб ташлашни график асосида ташкил этганмиз.

**РЕДАКЦИЯДАН: 11-ЖЭУ бошлиғининг жавобида ертўлалардаги сув график асосида чиқариб ташланиши айтилади. Бироқ 51-уйга қачон навбат келади? ЖЭУ раҳбари тезлик билан чора кўриши керак. Редакция Акмал Икромов райони уй-жой ишлаб чиқариш-эксплуатация трести раҳбарларидан жавоб кутади.**

## Йўловчи розилик билдирса

Шаҳримиздаги такси машиналарига ўтириб қолсангиз, кўпчилик шоферлар йўлда қўл кўтарган йўловчиларга машиналарини тўхтатишиб, олиб кетишади. 22 август куни соат 21.30 минут ўтганда аэропортда 5-таксопаркка қарашли 36—11 ТНС машинасига ўтирдим. Машинага чиққан йўловчилар манзилларига етишганда битта-битта тушиб қолишди. Биз манзилимизга етиб келгач шофер биздан 2 сўм олиб қолди. Ваҳоланки 1 сўм олиши керак эди. Бу қанақаси ўзи?

М. АКБАРОВ, пенсионер.

* * *

Биз 11 август куни Урдадан 5-таксомотор паркига қарашли 36—11 ТНС номерли машинага ўтириб, манзилимизга етиб келганимизда такси счетчиги 1 сўм 13 тийин ёзган эди. Биздан юлгич шофер 2 сўм олиб, қайтимини бермади.

З. МУҲАММЕДОВ, А. ЭРМАТОВ, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари.

* * *

29 август куни Бош универсал магазини олдидан 1-автокомбинатнинг 24—93 ТНП номерли таксисига ўтириб, Тошкент автовокзалигача бордик. Йўлда шофер уч кишини олди ва манзилига етганда, улар 1 сўмдан бериб тушиб кетди. Мен Собир Раҳимов метро станциясига етиб келганимда счетчик 2 сўм 70 тийин кўрсатар эди. 1 сўм берсам, йўқ, счетчикда кўрсатилганини берасан деб туриб олди. Бундай юлгичлар қачонгача йўловчилар ҳақига хиёнат қилишади?

Т. РАҲМАТОВ,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг 3-курс студенти.

**Г. ЛИВШИН,**
**«Главташпассавтотранс» бошқармасининг такси хизмати кўрсатиш бўлими бошлиғи.**

— Ҳа, йўловчилар ҳақига хиёнат қилаётган такси шоферлари ҳали ҳам учраб туради. Биз уларга қарши кураш олиб бормоқдамиз. Ҳар бир йўловчи шуни эсдан чиқармаслиги керакки, такси хизматидан фойдаланаётган вақтида машинага ўтириши билан шофер йўловчини истаган манзилига олиб бориб қўйиши шарт. Баъзи шоферлар йўловчилардан сўрамасдан йўлда қўл кўтариб турган кишиларга машиналарини тўхтатишиб, йўл-йўлакай олиб кетишади. Бу қоидага хилофдир. Йўлда кетаётган вақтда бирор йўловчи қўл кўтарса, машинада ўтирган йўловчидан шофер «Тўхтасам майлими?» деб сўраши лозим ва у кишининг розилигига қараб машинасини тўхтатиши керак.

Газетхонларнинг редакцияга ёзган шикоятлари жуда ўринли. Чунки учала хатда ҳам шоферлар йўловчиларга хизмат кўрсатиш қоидасини бузишган. Шуни айтиш керакки, масалан, Қорақамиш массивидан шаҳар марказига бормоқчи бўлдингиз. Сиз тушган такси машинасига яна икки бегона йўловчи ўтирди, дейлик. Машина белгиланган манзилга етиб келганда, счетчик 1 сўм 80 тийин кўрсатди. Шунда ҳар биринг из 60 тийиндан тўлаб, тушиб кетишга ҳақлидирсиз. Такси шоферлари йўловчиларга хизмат кўрсатиш билан бирга шуни эсдан чиқармасликлари керакки, машинага биричи бўлиб ўтирган йўловчининг раъйига қараб унга хизмат кўрсатишлари керак.

**РЕДАКЦИЯДАН: 5-таксомотор парки ва 1-автокомбинатнинг шоферлари йўловчилар ҳақига нега хиёнат қилишади? Биз «Главташпассавтотранс» бошқармасидан 36—15 ТНС, 36—11 ТНС ва 24—93 ТНП номерли такси шоферларига қандай чора кўрганликлари ҳақидаги жавобни кутамиз!**

## Пойгачи вагонлар

Ҳурматли редакция! 1 ва 2-Қорақамиш массиви орқали ТошМИ ўртасида 27-трамвай маршрути йўлга қўйилганига бир неча йил бўлди. Лекин бирон куни ёлчитиб хизмат қилганини эслай олмаймиз. Эрта билан долзарб паллада ҳайдовчилар:

— Олдинги вагонга ўтинглар, бунисиз бормайди, деб диспетчерхонага гириллаб қолишади.

4 сентябрь эрталаб соат ўнда Навоий кўчасидаги «Милиция мактаби» бекатига келгач 1160-рақамли вагон бузуқ баҳонаси билан парнка жўнаб қолди. Биз бу ерда ҳали кўрмаган вагонлар парадини томоша қилдик. 1231, 1125, 1177-вагонлар шу бекатдан қаторасига «Дўстлик» меҳмонхонаси томон, 1188 ва яна бир вагон Ленин проспекти томон бурилиб кетди. Бу ҳол қачонгача давом этади?

О. МАЪДИЕВА, И. КАЛАШНИКОВА, кўп болали оналар ва бошқа йўловчилар.

**Н. МАҚСУДОВ,**
**Тошкент трамвай-троллейбус бошқармаси ҳаракат бўлимининг бош инженери.**

— Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар Совети ижроия комитетининг муттасил кўрсатиб келаётган катта ёрдами туфайли шаҳримизда электр транспорти тобора кенг тармоқ отиб бормоқда. Кейинги йиллар ларнинг ўзидагина 37 километрдан кўпроқ трамвай ва 43 километрдан кўпроқ троллейбус линияси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шаҳримиз аҳолисини ҳар куни ўз манзилларига элтиб қўйиш учун 310 та трамвай ва 270 тага яқин троллейбус вагонлари шаҳар маршрути бўйлаб хизматга йўл олиши керак.

Ҳозирги пайтда қишга тайёргарлик долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Ҳамма жойда бўлганидек, Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасининг вагонларни ремонт қилиш, электр линияларини тузатиш ва йўл хизмати хўжалигида кузги-қишки мавсумда ишлашга пухта тайёргарлик ва ремонт ишлари олиб борилмоқда. Бизнинг хизматимизда электр транспортини техника жиҳатидан ҳар тарафлама пухта ремонт қилиш муҳим масала ҳисобланади. Лекин шундай ҳоллар ҳам бўладики, эътиборсизлик билан ремонт қилинган вагонларни худда ана шундай масъулиятсизлик билан қабул қилиш ва аҳоли хизматига чиқариш натижасида уларнинг баъзилари деполарга қайтиб келмоқда. Бундай воқеа 27-трамвай маршрутини йўлга қўювчи 1-депода ҳақиқатан тез-тез учраб туради. Бизда вагонларнинг икки ён томонига битиб кўйилган рақамларнинг бошланиши— ана шу вагон қайси деподан чиққанлигини кўрсатиб туради. Масалан, ҳат муаллифлари таъкидлаб ўтган 1160, 1231, 1125, 1177, 1188 каби вагонлар 1-трамвай депосидан чиққанлигини акс эттиради. Бу трамвай депоси ҳар куни шаҳар аҳолиси хизматига нормада белгиланган 110 та ўрнига 90 тага етар-етмас вагон чиқармоқда. 2-трамвай депоси нормада белгиланганидек —87 та, 3-депо ҳам 110 тадан вагон чиқаряпти. Шундай қилиб, шаҳар аҳолисининг кундалик хизматига 307 ўрнига 286 тадан, яъни белгиланганидан 20 та кам вагон йўлга қўйилмоқда. Шунингдек 250 та троллейбус вагони хизматга чиқарилмоқда.

Трамвай ва троллейбус вагонларининг белгиланган маршрутларга нормадан кам чиқарилаётганлиги ва баъзиларининг линиядан муддатидан илгари депога қайтиб келаётганликларининг асосий сабаби — аввало, ҳайдовчилар ва ремонтчи кадрларнинг етишмаслигида, шунингдек мавжудларининг ҳам баъзилари ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қараётганликлари оқибатидир. Ремонтчи корхоналарда вагонлар, эҳтиёт қисмларининг етишмаслиги, слесарлар йўқлиги, кадрлар қўнимсизлиги, меҳнат интизомининг яхши йўлга қўйилмаганлиги ишда ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Ҳозирги пайтда ана шу камчиликларни бартараф этиш учун бошқарма ва бўлима маъмурияти, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари тадбирлар комплексини ишлаб чиқди. Илғорлар ташаббуси кенг йўлга қўйилмоқда. Масалан, «Аванясиз ишлагани учун» нишондорлари — КПСС XXVI съезди делегати З. Мильдубаева, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Н. Абдуллаҳаева, Ленин ордени кавалерлари — Х. Рўзиев, Ф. Алимов ва бошқаларнинг бригада методида, «Намунали хизмат маршрути» номини олиш учун ишлаш юзасидан бошлаб берган таҳаббуслари коллективда кенг ёйилмоқда.

Бошқарманинг ўн биринчи беш йилликлдаги истиқболлари янада порлоқ. Бошқарма коллективи шаҳар аҳолисига электр транспорти хизматини мунтазам йўлга қўйиш ва хизмат маданиятини ошириш йўлида фидокорона меҳнат қилиб, Тошкентнинг 2 минг йиллигига муносиб тухфа ҳозирлашга аҳд қилган.

# ШЕЪРИЯТ ОҚШОМИ

ШУҲРАТ

## «КЕЧКИ НУРЛАР» ТУРКУМИДАН

### *Бағри тош одам*

Сен болта урасан, учган пайраха
Қўёндек бир сапчиб ерга тушади.
Пайраха зарбидан майсалар заҳа,
Инидан безовта қушлар учади.

Гуп этиб йиқилар ноилож дарахт,
Ер узра ноилож қўяр бошини.
Сен эса, мамнунсан
кучган каби бахт,
Кўрмайсан теракнинг
тўккан ёшини!

Бағри тош эй одам,
сен урган болта
Теракмас, қалбимни
солар ларзага.

Йиқилган у эмас, менман албатта,
Минг лаънат ўқидим ўша лаҳзага!

Боқ, қандай ҳувиллаб
қолди бу атроф,
Боғ кўча ҳуснига етказдинг путур.
Саратон кезида, ёнганда офтоб,
Мана шу офтобда бир ўзинг ўтир!

### *Фақат сен уйғоқ*

Тоғларга ёнбошлаб ухлайди қирлар,
Уфққа ёнбошлаб ухлайди йўллар.
Жарликка бош қўйиб ухлар
ўнгирлар,
Қирғоққа бош қўйиб ухлайди
қўллар.

Ухлайди булутни ёпиниб тоғлар,
Қаноти остида бургутнинг боши.
Ухлайди шарбатдан
маст бўлиб боғлар,
Қизларнинг тушига кирар сирдоши.

Гўдаклар ухлайди она сийнасин
Оғзидан тушармай тамшанганича.

Кексалар қуш уйқу. Ғоҳ юмиб кўзин,
Ғоҳ очиб ухлайди, туриб бир неча!

Фақат сен уйғоқсан,
сенинг кўзингга
Қўнмайди бир лаҳза уйқу шарпаси.

Донолар, айтингиз унинг ўзига
Нимадан бўлади севги кўрпаси!

Тинч ётиб ухласин менинг ёрим ҳам
Нақадар фарахбахш бу тунги олам!

### *Кексалик кузакка ўхшаса яхши...*

Кексалик кузакка қилинар қиёс,
Чиндан ҳам кузакка ўхшаса яхши.
Қоп-қанор тўлдирган
кузак қандай соз,
Бемаҳал келмаса муз нафас қиши.

Оҳ, шунда юракда қолади армон,
Ана шу бемаҳал келган қиш ёмон!
Кексалик кузакка ўхшаса яхши,
Ва лекин бемаҳал келмаса қиши!

### *Ўхшатиш*

Кеч кирди. Уфққа бош қўйган офтоб
Гуриллаб ўт олган ўчоққа ўхшар.
Осмонда оқ булут сузади шитоб,
Жойидан қўзғалган
бир тоққа ўхшар.
Ой туғди. Кун бўйи
деҳқон ишлатиб,
Утлоқда қолдирган ўроққа ўхшар.
Бир юлдуз ёнади гоҳо ялт этиб,
Шамоллар ўйнаган чироққа ўхшар.
Чумчуқлар чирқиллар бўғот қошида,
Беватан санқиган саёққа ўхшар.
Севганим кўринди йўлнинг бошида,
Умидим уфқида маёққа ўхшар!

### *Қайта умр кўрсам*

Ортда қолди менинг баҳорим,
Куз салқини кезар қонимда.
На тилимда оқ билан зорим,
На ўкинч бор азиз жонимда.
Гуллар тердим айни пайтида,
Ўт чақнади босган изимдан.
Учдим—елдим ёшлик отида,
Турдим дадил айтган сўзимда.
Тақдир менинг бошим силади,
Умрим келди кундузга қамти.
Хизматимни юртим билади,
Замон бўлди жанговар, танти!
Ёшлигимдан қолмади армон,
Кексаликка кирдим мағрур, шод.
Кексаликнинг гашти бир жаҳон,
Сўст юрса ҳам остингдаги от!
Кексаликни бир чўққи десам,
Бунинг далил ва исботи бор.
Яна қайта бир умр кўрсам,
Шу йўлимни қилардим такрор!

*Истеъмол буюмларига—кенг йўл*

## МАНЗУР БЎЛАДИ

ЛАТВИЯ ССР. Стучкиндаги В. И. Ленин номли телефон аппаратларини ишлаб чиқаруючи «ВЭФ» бирлашмаси ўз маҳсулотларини фақат Сифат белгиси билан ишлаб чиқаради. Бу ерда жами 12 хил телефон аппаратлари ишлаб чиқарилади. Айниқса ТА—68 ва ТА—72 аппаратларига аҳоли ўртасида эҳтиёж катта.

Заводда бежирим шаклдаги «Ретро» ва «Стелла» телефон аппаратларини ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди.

СУРАТДА: юқорида —конструкторлик бюросининг инженери Л. Смирнова «Стелла» телефон аппаратини намойиш этмоқда.

* * *

МОСКВА ОБЛАСТИ. Загорскдаги 6-мактаб приборсозлиги заводи Ф—75 фильмопроекторларини қўллаб ишлаб чиқаришга киришди. Мазкур корхонада ҳар йили мактаблар учун деярлик 8 миллион сўмликдан зиёд 40 хил буюмлар ва приборлар ишлаб чиқарилади. Завод ўз маҳсулотларини 20 хорижий мамлакатга экспорт қилади.

СУРАТДА: пастда— Ф-75 фильмопроектори. У диапозитивлар ва диафильмлар тасвирини экранга тушириш учун мўлжалланган.

ТАСС фотохроникаси.

# ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

## *Алюминий саноатининг байроқдори*

БУДАПЕШТ. Венгрия алюминий саноатининг байроқдори — Секешфехерварда г и енгил қотишмалар комбинатида катта прокат цехининг қурилиши Совет-Венгрия ҳамкорлигини ривожлантиришга ёрдам беради. Ана шу муҳим объект фойдаланишга туширилганидан кейин корхона алюминий прокати ишлаб чиқаришни қарийб икки баравар кўпайтириб, қардош социалистик мамлакатларга уни экспорт қилишни кенгайтира оладиган қуёш қолди.

Комбинатни ривожлантиришнинг жадал суръатларини биз биринчи навбатда алюминий саноати соҳасидаги Совет-Венгрия ҳамкорлиги программасининг амалга оширилиши билан боғламоқдамиз, дейди корхона директори Я. Ховат. Кооперация доирасида Венгрия ҳом ашёси қайта ишлаш учун СССРга жўнатилмоқда, ундан ҳосил қилинган алюминий эса Венгрияга қайтариб юборилмоқда. Секешфехервардаги комбинат ана шу программада актив иштирок этмоқда. Л. И. Брежнев билан Я. Кадар ўртоқлар яқинда Қримда ўтказилган учрашувда мазкур программага юксак баҳо бердилар.

## Меҳнаткашларга даъват

ХАНОЙ. Вьетнам пойтахтида темирйўлчилар касаба союзларининг саккизинчи республика конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда 250 дан кўпроқ делегат— Социалистик Вьетнам темир йўл транспорти — республика халқ хўжалиги энг муҳим тармоқларидан бири кўп минг кишилик ходимларининг вакиллари иштирок этдилар.

Конференция қатнашчилари ўтган беш йилликда транспортда социалистик мусобақани авж олдириш соҳасида касаба союзлари муҳим роль ўйнаганлигини таъкидладилар. Ана шу мусобақа мамлакат темир йўл магистраллари тармоғини кенгайтириш ишида муҳим босқич бўлди. Чунончи, новаторлар ва ихтирочиларнинг 10 мингдан кўпроқ рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқаришга жорий этилди, булар 60 минг тоннадан кўпроқ металлни, ўн минглаб тонна кўмирни тежаб қолиш имконини берди.

Вьетнам касаба союзлари федерацияси ижроия комитетининг раиси Нгуен Дик Тхуан конференцияда нутқ сўзлаб, темирйўлчилар касаба союзларининг фаолиятига юксак баҳо берди. У меҳнаткашларга мурожаат қилиб, Вьетнам коммунистлари партиясининг бўлажак V съездини жуда катта янги ютуқлар билан кутиб олишга, шу йилги давлат планини шараф билан бажаришга даъват этди.

## Қўриқхоналар мамлакати

ВЕНА. Австрия территориясининг 18 процентидан кўпини, яъни қарийб бешдан бир қисмини эгалловчи катта-катта областларда ов милтиқлари бирон марта бўлса-да ўқ узмай жиноят деб ҳисобланади. Шу жойларда маъмурларнинг махсус рухсатисиз на биронта новда, на биронта ўт узилади. Мамлакатда 180 та қўриқхона бор, шунингдек 210 район табиатини муҳофаза қилиш зоналари деб эълон қилинган. Альп тоғидаги бу республиканинг аҳолиси шулар билан ғоятда фахрланади.

Юқори Австрия табиатни муҳофаза этиш зоналари майдони жиҳатидан Австриядаги бошқа ўлкалар орасида биринчи ўринни эгаллайди. Чунки бутун Юқори Австрия шундай зона деб эълон қилинган. Ҳайвонот дунёси муҳофаза этиладиган асосий район энг гарбда —республиканинг тоғли қисми Форарльбергдадир. Ў ердаги қўриқхоналар бутун территориянинг беш-дан бир қисмини эгаллайди.

Ҳаттоки, Австрия пойтахтида ҳам табиат муҳофаза этиладиган зоналар бор. Бу зона Вена шаҳри бутун территориясининг ўнда бирини ташкил этади. Шундай зоналардан иккита энг каттаси — ҳайвонот боғига ёндош район ва Лобау районидир.

## ЯНГИ ТИПДАГИ КЕМАЛАР

БЕРЛИН. Варнемонде шаҳридаги «Варновверфт» кемасозлик корхонасининг коллективи янги типдаги кемаларни қуришга киришди. Совет Иттифоқи учун мўлжалланган ва контейнер ташийдиган дастлабки такомиллаштирилган кема қурила бошланди. Унинг лойиҳаси ГДР билан СССР кемасозларининг ижодий ҳамкорлиги натижасида тузилди.

Салкам 16 минг тонна юк кўтарадиган «Меркур— 2» кемаси 940 та контейнерни таший олади. Кема шу йил сувга туширилади. «Варнов-верфт» кемасозлари 35 йил мобайнида 12 мамлакат, шу жумладан Совет Иттифоқи учун ҳар хил типдаги жами 260 тадан кўпроқ денгиз кемаларини қурдилар.

## «Москвич» ва «Жигули»лар учун

СОФИЯ. Видиндаги химия комбинати янги радиал автопокришкалар ишлаб чиқара бошлади. Бу покришкалар «Москвич» ва «Жигули» автомобиллари учун мўлжалланган бўлиб, аввалги моделларга қараганда анча пишиқ ва мустаҳкамдир. Шиналарнинг дастлабки туркуми йўл синовларидан муваффақиятли ўтди. Корхона коллективи қишлоқ хўжалик техникаси учун яхшиланган янги автопокришкалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мажбуриятини олди.

## Жаҳон шаҳарлари ва пойтахтларида

БРАТИСЛАВА. Братислава шаҳар халқ кенгашининг ниҳоясига етган сессиясида Словакия Социалистик Республикаси пойтахтини янада ривожлантириш проблемалари муҳокама қилинди. Таъкидлаб ўтилганидек, ўтган давр ичида шаҳарнинг уй-жой фондини янада кенгайтириш йўлида кўп иш қилинди. Эски уй-жойлар реконструкция этилиши ва ремонт қилиниши билан бир қаторда замонавий кўп қаватли уй-жой массивлари қад кўтарди. Ҳозирги вақтда шаҳар аҳолисининг ярмидан кўпроғи янги квартираларга кўчиб ўтди.

Реконструкция қилинган Клемент Готвальд майдони Братиславанинг ифтихори бўлиб қолди. Чехословакиянинг биринчи ишчи президенти ҳайкали бу майдонни безаб турибди. Бу ерда Халқлар дўстлиги фонтани деб аталган ажойиб фонтан ҳам қурилди.

♣ ♣ ♣

НЬЮ-ПОРК. АҚШдаги энг йирик Нью-Йорк шаҳрида унинг мэри лавозими учун сайлов олди кураши кенг авж олдириб юборилди. Бу кураш Қўшма Штатлар сиёсий системасининг халққа зид моҳиятини яна бир марта кўрсатди. Нью-Йорк муниципалитети бошлиғи сиймосидаги «халқ хизматкори» деб аталган шахс амалда йирик ер эгаларининг ишончли киши ва «катта бизнес» корчалони эканлигини бу кураш яққол тасдиқлади.

«Нью-Йорк дейли ньюс» газетасининг хабарларига қараганда, Нью-Йоркнинг ҳозирги мэри Э. Коч шу лавозимга ўзининг қайта сайланишига эришган эди. У ўзининг сайлов фондига 1,15 миллион доллар ёки ўз рақибларининг ҳар бири тўплаганидан ўн баравар кўп пул тўплади. Кочнинг асосий «хомийлари» рўйхатида кўплаб ер эга бўлган Нью-Йоркдаги энг йирик компаниялар бор эди. Маҳаллий жамоат арбоблари Кочни ошкора иркчи ва катта бизнес гумаштаси деб ҳисоблямоқдалар.

♣ ♣ ♣

СТОКГОЛЬМ. Шу йил кузида Швециядаги энг қадимий Упсала шаҳри кўчаларида ва майдонларида салкам 80 та янги телефон-автомат ўрнатилади.

Бу телефонлар орқали махсус карточка ёрдами билан гаплашиш мумкин.

Карточканинг пластик юзасига махсус белгиларнинг муайян миқдори ўйилган бўлиб, сўзлашувнинг давом этиш муддати ана шу белгилар ёрдамида қайд этилади. Гаплашиш учун автомат тирқишига карточкани ташлаш, трубкани олиб, зарур номерни териш кифоя. 10 ва 20 кронга бундай карточкаларни олдиндан магазинлар ва киоскалардан сотиб олиш мумкин.

Швеция мутахассислари ва маъмурларининг фикрича, бу янгилик шубҳасиз қизиқиш туғдиради. Бу ерда айтишларича, ана шу янгиликнинг жорий этилиши автоматларни бузиб ташлаш ва уларни талаб кетишдан қутилиш имконини беради.

♣ ♣ ♣

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон пойтахтининг аҳолиси тез кўпаймоқда. Кейинги ўн йил мобайнида аҳоли 2 миллион кишидан зиёд ортиб, 5,7 миллионга етди. Пойтахт аҳолисининг ортиқча кўпайиб бориш проблемасини ҳал қилиш максадида Деҳлининг йўлдош шаҳарларини ривожлантириш программаси амалга оширилмоқда.

♣ ♣ ♣

ЖАКАРТА. Жакарта ўт ўчириш бошқармасининг хабар беришича, шу йил бошидан буён Индонезия пойтахтида 500 га яқин ёнғин рўй берган. Ана шу фожиалар натижасида ўн киши ҳалок бўлган, кўп минг киши бошпанасиз қолган. Етказилган моддий зарар 7 миллиард рупияни ташкил этади.

## КАСАБА СОЮЗ ҲАРАКАТИ РИВОЖЛАНМОҚДА

КОБУЛ. Афғонистон Демократик Республикасида касаба союз ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатда 600 дан кўпроқ бошланғич касаба союз ташкилотлари бўлиб, улар ўз сафларида 175 мингдан кўпроқ ишчи, ҳунарманд, хизматчи ва савдо ходимларини бирлаштирган.

Афғонистон касаба союзлари АДРни социал-иқтисодий ривожлантириш ишида тобора катта роль ўйнамоқда. Касаба союз ташкилотларининг аъзолари ёш республика олдида турган энг муҳим иқтисодий вазифаларни ҳал этиб, контрреволюция, империализм ва реакция кучларига қарши тинмай кураш олиб бормоқда. Улар қўлларига қурол олиб, ўз корхоналарини қўпорувчилардан ҳимоя қилмоқдалар, уй-жойлар, мактаблар, болалар, боғчалари қуришда кўнгиллилар бўлиб меҳнат қилиш ҳаракатида фаол иштирок этмоқдалар.

Афғонистон касаба союзлари Марказий кенгашининг аъзоси Қодир Маҳбуб ТАСС муҳбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди: халқаро бирдамлик, тинчликни сақлаб қолиш, демократия, миллий хавфсизлик ва халқлар тараққиёти учун кураш афғон касаба союзларининг халқаро миқёсдаги фаолиятининг асосий принципларидир. Афғонистон касаба союзлари Жаҳон касаба союзлари федерацияси фаолиятида актив иштирок этиб, Осиё ва Африка мамлакатлари меҳнаткашларининг ўз ҳуқуқлари учун олиб бораётган адолатли курашини қўллаб-қувватламоқда, турли давлатлардаги илғор жамоат ташкилотлари билан муносабатларни мустаҳкамлаш учун кучғайрат сарфламоқдалар.

# 10 СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

**Р. СОДИҚОВ: Қуролли Кучлардан ҳарбий форма кийиб юриш ҳуқуқи билан бўшатилган кишилар қандай имтиёзларга эга бўлади ва бу форма буюмларини қаердан олиш мумкин?**

**Жавоб:** Мавжуд қондага биноан СССР Қуролли Кучларида камида 25 йил хизмат қилган ва неча йил хизмат қилишдан қатъий назар Ватан олдида алоҳида хизматлари бўлган офицерлар ва прапорщиклар запасга бўшатилганда ёки истеъфога чиқарилганда ҳарбий форма кийиб юришларига руҳсат этилади.

Ҳарбий форма кийиб юриш ҳуқуқи маъкур шахсларга запасга ёки истеъфога чиқараётган бошлиқларнинг буйруғи билан берилади. Ҳарбий форма буюмларини бу кишилар ҳарбий савдо, магазинларидан ҳарбий билетни кўрсатиб оладилар. Улар бошқа имтиёзларга эга эмаслар.

* * *

**А. МАҚСУДОВ: Мен қариндошларим ишлаётган ташкилотга ишга кирмоқчи эдим. Лекин бу борада айрим чекламалар бор дейишяпти. Шу ростми?**

**Жавоб:** Қонун яқин қариндош бўлган кишиларнинг (ака-укаларнинг, опа-сингилларнинг, ота-оналарнинг) бир жойда хизмат қилишини тақиқлайди. Бироқ ҳар қандай биргаликдаги иш тақиқланавермайди. Фақат бирининг бевосита иккинчисининг итоатида, назоратида ишлаши тақиқланади. Бундан ташқари бу тартиб фақат хизматчиларга таллуқли —ишчилар ва кичик хизматчилар учун бундай чеклаш йўқ. Бундай чеклаш хизматчи ходимлардан бири бўлганида ҳам бўлмайди.

* * *

**И. ЭРҚОРОВ: Пенсия белгилаш ҳақидаги ариза ва тавсиялар қанча муддатда кўриб чиқилиши лозим?**

**Жавоб:** Пенсия белгилаш ҳақидаги ариза ва тавсиялар пенсия белгиловчи комиссия томонидан барча ҳужжатлар билан ариза ва тавсиялар олингач, узоғи билан ўн кун давомида кўриб чиқилиши керак.

Агар пенсия белгиланса, ариза ёзган кишига «Пенсия гувоҳномаси» берилиб, унда пенсиянинг тури ва ҳажми кўрсатилади.

Пенсия белгиламасликка қарор қилинганда эса, социал таъминот бўлими бу ҳақда корхона маъмуриятини ёки ариза ёзган кишини беш кун мобайнида хабардор қилиши ва барча тақдим этилган ҳужжатларни қайтариб бериши лозим. Бунда пенсия нега белгилаимаганлиги ҳамда шикоят қилиш тартиби ҳам кўрсатилиши лозим.

Пенсия белгилаш бўйича комиссия қаридан норози бўлган тақдирда район, шаҳар Совети ижроия комитетига ёки социал таъминот органи итоат этадиган бошқа юқори ташкилотларга шикоят қилиш мумкин. Суд органлари пенсия масаласидаги шикоятларни қараб чиқиш билан шуғулланмайдилар.

* * *

**Р. БУРХОНОВ: Ходимни ишга олишда қандай ҳолларда синов муддати белгиланади?**

**Жавоб:** Синов муддати ишга қабул қилинаётган ишчи ёки хизматчининг топшириладиган вазифани бажариш учун қодирми ёки қодир эмаслигини аниқлаш учун белгиланади. Маъмурият ишга олинаётган шахс билан оғзаки ёки ёзма меҳнат шартномаси тузаётганида, у билан синов муддати шартларини ҳам келишиб олиши мумкин.

Ишга синов муддати билан қабул қилинган ишчи ва хизматчилар синов муддатида бошқа ходимлар сингари ҳуқуққа эга бўлади ва улар сингари бурчлидир. Агар синов муддатида ходим ишдан бўшатилмаса, у ишга тўла қабул қилинган ҳисобланади.

МАДАНИЯТ ЎЛКАСИДА

## ҚИЗИҚАРЛИ МАВЗУДА

Шаҳримизнинг Киров районидаги А. Қодирий номли маданият уйида ўтказилаётган хилма-хил мавзуларга бағишланган кечалар, қизиқарли учрашувлар бу даргоҳ ташрифчиларини мамнун этмоқда. Айниқса, партия арбоблари, таниқли саркардалар ҳаёти ва фаолиятига, КПСС XXVI съезди қарорлари ҳамда беш йиллик мавзуларига бағишланган учрашув ва кечалар кўнгилдагидек бўлмоқда.

БУГУН

маданият уйи ташаббуси билан мазкур районнинг Фирдавсий, Бодомзор маҳаллаларида «Халқ хўжалигида иқтисод ва тежамкорлик» ҳамда «Мамлакат бойлигини асрайлик» мавзуларида учрашув ўтказилди. Район «Билим» жамияти лекторлари, фалсафа ва ҳуқуқ институти олимлари ана шу мавзулар бўйича маҳалла аҳли билан атрофлича суҳбат ўтказишди.

Маданият уйи бундай учрашувларни маҳаллалардан ташқари корхоналар, ҳарбий қисм ва билим юртларида ўтказишда ҳам ташаббускор бўлмоқда.

УМРИ БОҚИЙ ДЎСТЛИК

## *ОТАШИН ЁЗУВЧИНИ ЭЪЗОЗЛАБ*

Бундан ярим асрча муқаддам Чехословакиянинг оташин публицисти Юлиус Фучик Совет Ўрта Осиёси республикалари бўйлаб катта ижодий сафар ўтказган эди. У ўзининг ана шу қизиқарли сафарида жуда кўп корхоналарда бўлган, юзлаб революция ва меҳнат қаҳрамонлари билан суҳбат қуриб, бирбиридан мазмунли очерклар яратган эди.

Юлиус Фучикнинг Ўрта Осиё республикалари бўйлаб саёҳатига доир жуда кўп материаллар, китоблар, фотосуратлар, ашёвий буюмлар тошкентлик тарихчи Александр Ипатович Бочкарев ташаббуси билан жамланган.

Ҳозирги пайтда Юлиус Фучик Тошкентда яшаган Советская кўчасидаги уйда Юлиус Фучикнинг Ўрта Осиёдаги бўлган вақтини акс эттирувчи музей ташкил этилмоқда.

Музей биносида республика Маданият министрлигига қарашли «Меъмор» илмий-реставрация ишлаб чиқариш бошқармасининг усталари қурилиш ишларини олиб бормоқдалар.

БУГУН

**Самарқанд шаҳридаги махсус илмий таъмирлаш ишлаб чиқариш устахонасининг халқ амалий санъати усталари тайёрлаган эшиклар бинога ўрнатилди. Бу эшиклар ўзбек ва чех миллий ўймакорлик санъати услубида ишланган.**

Ўймакорлик эшикларини тайёрлашда усталардан Мирусмон, Миржамол, Миркамол Асадовлар, Толиб Ҳакимов, Собир Ҳакимов, Абдурахмон Шодиев, Собир Маликов, Маҳмуд Бўронов, Фурқат Аминовлар қатнашганлар.

Санъатнинг сеҳрли олами

## Дўстлар ҳузурида

Бутуниттифоқ бадиий коллективлар кўригининг дипломанти, Т. Жалилов номидаги ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри санъат мухлислари эътиборини қозонган коллективлардан бири. Республикамиз д а н ташқарида ҳам оркестр ижрочиларини яхши билишади. Яқинда коллектив икки ойлик гастроль сафаридан қайтиб келди. Санъаткорлар июль ва август ойлари мобайнида РСФСРнинг бир қатор шаҳарларида ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Гастролда ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри коллективи билан биргаликда бир қатор таниқли санъаткорлар ҳам иштирок этдилар. Оркестрнинг бадиий раҳбари ва бош дирижёри Т. Содиқов дирижёрлардан А. Левиев, Ф. Юнусов, солист-вокалистлардан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Б. Мавлонов, В. Крюков, солист С. Тен, чолғучи солистлардан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист М. Тоиров, республика халқ чолғу асбоблари конкурсининг лауреати Т. Собиров ҳамда Қ. Назировлар шулар жумласидандир. РСФСРнинг 12 та йирик шаҳрида ижро этилган концерт программалари қардош республика санъат мухлисларида катта таассурот қолдирди.

Гастроль сафари Улан-Удэ шаҳридан бошланди. Оркестр шаҳар боғларида концерт берди. Бурятия радиоси ва телевидениеси қошидаги халқ чолғу асбоблари оркестри коллективи билан учрашув ўтказди. Иккала коллектив ўз тажрибаларини ўртоқлашди. Сафар сўнггида ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри ўз концерт программасини Бурятия телевидениеси орқали ҳам намойиш этди. Коллектив репертуарининг ранг-баранглиги, турли халқ куй ва қўшиқларининг юксак маҳорат ҳамда ўзига хослик билан ижро этилиши томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Оркестрнинг Байкал кўли бўйида жойлашган «Байкал» ҳамда «Белокуриха» санаторийларида берган концертлари ҳам мароқли бўлди.

Тингловчиларни н г қўпчилиги учун ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри янгилик эди. Оркестр тингловчиларни рус халқ музикаси, ўзбек совет профессионал ва классик музикаси билан яқиндан таништирди. Хулласи, икки ойлик гастроль давомида санъаткорлар Ангарск кимёгарлари, Иркутск ўрмончилари, Красноярск чорвадорлари, Иртиш дарёчилари, Новосибирск темир йўлчилари ҳузурида ўнлаб концертлар бердилар. Оркестр қатнашчилари хотирасида, айниқса, ҳарбий қисмларда бўлган учрашув ва концертлар ўчмас из қолдирди. Оркестрнинг РСФСР бўйлаб гастроль сафари СССР қардош халқлари музика маданиятларининг ўзаро бир-бирини бойитиши ишига самарали улуш бўлиб қўшилди.

Шу кунларда оркестр коллективи Тожикистонда ўтаётган Ўзбекистон ССР адабиёти ва санъати кунларида иштирок этмоқда. Қардошлар диёрида яна дилрабо куй ва қўшиқлар янграяпти.

А. РАИМБОЕВА.

СУРАТДА: Т. Жалилов номидаги ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри.

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ: ИШЧИ ЁШЛАРГА ЯНГИ ИМТИЁЗЛАР

Мамлакатнинг олий ўқув юртларида машғулотлар бошланиб кетган бўлса-да, уларнинг кўпчилигида қабул комиссиялари ҳамон ишлаб турибди. Шу ўқув йилидан бошлаб ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқитиш учун тайёрлов бўлимларига тингловчиларни қабул қилиш анча кўпайтирилди. ТАСС мухбирининг илтимосига биноан СССР Олий ва махсус ўрта таълим министрининг биринчи ўринбосари Н. Ф. Краснов бу янгиликни шарҳлайди.

Олий мактаблар ҳузуридаги тайёрлов бўлимлари 1969 йилда очилиб, тезда оммалашиб кетди. Тайёрлов бўлимлари ҳаёт мактабидан ўтган, қонуний жиҳатдан ва меҳнатда чиниққан, ўз муддаосини қатъий белгилаб олган кишиларни олий мактабларга қабул қилишга кўп жиҳатдан ёрдам берди. Ҳозирги пайтда 667 олий мактаб ҳузурида тайёрлов бўлимлари ишлаб турибди. Ўтган йиллар ичида уларни битириб чиққан миллионга яқин ёш ишчи, дала ва ферма меҳнаткашлари, армиядан қайтган солдатлар студентлар бўлдилар. Шу билан бирга тингловчиларни тайёрлов бўлимларига қабул қилиш шартлари, шунингдек уларнинг олий мактабда ўқиб кетишлари тартибини янада такомиллаштириш лозимлигини практика кўрсатди. Бу ерда гап ишчи ёшларга олий ўқув юртларининг эшикларини янада кенгроқ очиб қўйиш тўғрисида бораётир. Шу максадда СССР Олий таълим министрлиги иккита муҳим янгилик киритди.

Ҳозирга қадар амалда ҳамма тингловчилар ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда шуғулланардилар. Энди тайёрлаш бўлимларида кечки ва сиртқи таълим формаларидан кенгроқ фойдаланилади. Шу ўқув йилидаёқ тингловчиларнинг учдан бирига яқини машғулотларни ишлаб чиқариш фаолияти билан қўшиб олиб боради.

Бундан аввал тайёрлов бўлимларини битирганлар олий мактабларда фақат кундузи ўқирдилар. Энди бўлса ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда бўлимни битирганлар кейинги ўқишнинг исталган формаси: кундузги, кечки сиртқи формаларини танлаб олишлари мумкин бўлади.

Шундай қилиб, ишчи ёшлар олий ўқув юртларига кириш учун қўшимча имкониятга эга бўлдилар.

*Совет гвардиясининг 40 йиллиги*

# Жангларда туғилган

**1941 йилнинг 18 сентябрида Ельня остоналаридаги жангларда мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган тўртта ўқчи дивизия — 100, 127, 153, 161-ўқчи дивизияларига 1, 2, 3 ва 4-гвардиячи ўқчи дивизия номлари берилган эди. Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони армия генерали А. П. БЕЛОБОРОДОВ ўша кунлардаги воқеалар тўғрисида ТАСС мухбирига сўзлаб беради.**

Совет гвардиясининг вужудга келиши Қуролли Кучларимиз ва бутун мамлакат учун ғоят муҳим воқеа бўлди. У совет жангчиларининг жанговарлик руҳини кўтаришга ёрдам берди, уларни Ватан шон-шуҳрати йўлида янги жасоратларга илҳомлантирди. Гвардиянинг пайдо бўлиши билан командирлар ва сиёсий ходимлар шахсий составни тарбиялашнинг қудратли воситасига эга бўлиб қолдилар.

Одатда гвардиячи қисмлар энг масъулиятли жанговар вазифаларни бажариб, душманнинг боплаб додини берар, юксак интизом ва уюшқоқликлари билан ажралиб турар эди.

Совет гвардияси Армиямизнинг гули, унинг сараланган, илғор қисми эди. Партия гвардиячи қисмларнинг жанговар тажрибасини оммалаштиришга, уларнинг шонли анъаналарини кўпайтиришга катта аҳамият бериб келди. Олий бош қўмондоннинг 1944 йил 23 февралдаги буйруғида «душманни бизнинг шонли гвардиячиларимиз қақшатаётгандек қақшатиш...», «...илғор гвардиячи қисмлар ва қўшилмаларнинг тажрибасини жанговар практикага кенгроқ жорий этиш» зарурлиги таъкидланганди.

Бу тажриба эса ғоят бой эди. Юксак жанговар маҳорат, ташаббускорлик, курашнинг янги усулларини қидириб топиш гвардиячи номига сазовор бўлган қисмларнинг ҳаракатларига хос хусусиятлар бўлди.

Урушнинг дастлабки даврида жанглардаги жасорати, матонати, мардлиги, интизоми ва уюшқоқлиги учун, шахсий составининг қаҳрамонлиги учун 4 кавалерия корпуси, 36 ўқчи, 3 мотоўқчи ва 11 кавалерия дивизияси, 4 ўқчи бригада, 11 танк ва бир темир йўл бригадаси, 32 авиация полки, 2 алоқа полки, 2 мотоциклчилар полки, бир сапёрлар батальони, 8 армия разведка артиллерия дивизиони, 4 сув ости кемаси, икки крейсер эскадра миноносеци, миналар қўйиб тўсувчи кема ва миналардан тозаловчи бир кема гвардиячи номини олди. 99 та алоҳида реактив артиллерия миномет дивизиони тузилаётган пайтдаёқ гвардиячи номини олди. Бу билан халқ севиб «катюша» деб атаган янги даҳшатли қурол турига нақадар катта аҳамият берилганлиги таъкидланган эди.

1942 йилнинг 21 майида совет гвардиясининг шахсий состави учун алоҳида кўкрак нишони, қисмлар ва қўшилмалар учун эса алоҳида гвардиячи байроқлар белгиланди.

Совет халқи ва Коммунистик партиянинг юксак ишончидан руҳланган гвардиячи жангчилар гвардия деган фахрли номни муносиб равишда шараф билан оқлашга қасамёд этдилар. Чунончи, 28-гвардиячи Ленин орденли, Суворов ва Қизил Байроқ орденли танк бригадаси жангчиларининг қасамёдида шундай сўзлар бор эди: «Бугунги кундан бошлаб мен манфур душман билан гвардиянинг мағрур байроғи остида жанг қилар эканман, бу байроққа оға-иниларимнинг қонига белангган байроққа ҳеч қачон иснод келтирмайман ва уни шараф билан кўтариб ўтиб, сени мардларча ҳимоя қиламан, менинг ватаним!»

Совет гвардияси Сталинград жангида кўча жанги тактикасининг мислсиз маҳоратини ва душман гуруҳини қуршаб олиш борасида классик маневр намуналарини кўрсатди. Сталинград жанги давомида совет Қуролли Кучлари составида гвардиячи қўшилмалар пайдо бўлди.

1943 йилнинг баҳорига келиб, Армия ва Флотда 300 тадан кўпроқ гвардиячи қисмлар ҳамда қўшилмалар бор эди. Урушнинг охирига бориб эса шундай қисмларнинг сони яна ҳам кўпроқ ошди.

Совет гвардияси ғалаба қозонишга муносиб ҳисса қўшди. У Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларининг бутун бир плеядасини: Александр Матросов, Юрий Смирнов, Александр Покришкин, Иван Кожедуб, Александр Шабалин ва бир неча юзлаб бошқа қаҳрамонларни тарбиялади. Гвардиячиларнинг кўпчилиги Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини олдилар, уларнинг баъзилари эса шу унвонга икки марта сазовор бўлди.

Совет гвардиясининг ана шу сўнмас анъаналари совет жангчиларини коммунизмга астойдил садоқат руҳида, партия ва халққа чуқур содиқлик руҳида тарбиялаш ишига хизмат қилиб келди ва хизмат қилмоқда.

Йиллар ўтди. Совет гвардиячиларининг ҳозирги авлоди янги техникани, жангда ундан фойдаланиш тактик усулларини мувафақият билан ўзлаштирмоқда. Гвардиячилар ҳамон гвардиячиларнинг ғоят муҳим насиҳатларидан бирига: доимо ўқиш, илм-фан чўққиларини сабот билан қўлга киритиш, ҳозирги илм-фаннинг чуқур билимларини эгаллашдан иборат насиҳатига содиқдирлар.

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

●

## Агентлик қулайлик яратди

Шаҳримиз корхоналарида, алоқа бўлимларида келгуси йил газета ва журналларига обуна ишлари қизғин олиб борилмоқда. Бу борада Фрунзе районининг «Союзпечать» агентлиги ибратли ишларни олиб бормоқда. Райондаги кўпгина саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, турли муассасалар, ўқув юртлари бу ишга актив киришдилар. Бундай ташкилотлар орасида тўқимачилик комбинати, 1-ёғочни қайта ишлаш заводи, пардозлаш трести ва бошқа коллективлар бор.

— Бу йил,— дейди район «Союзпечать» агентлиги бошлиғи А. Ҳ. Ҳамроқулов, — келгуси йил газета ва журналлари учун 140 минг сўмлик обуна тўплашимиз керак. Мамлакатимизда, республикамизда нашр этиладиган маҳаллий матбуот нашрларига меҳнаткашлар активлик билан ёзилмоқдалар. Обуначиларга қулайлик яратиш мақсадида Сергели районида агентлигимиз филиалини ташкил этдик. Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларига ғамхўрлик қилиш мақсадида уларга енгилликлар яратилди. Улар «Литературная газета», «Человек и закон», «Юность» ва бошқа нашрларга бемалол ёзилмоқдалар.

М. ОИСТРАХ.

НАИ НАВОСИ.

М. Нуриддинов фотоси.

*• Ким бўлсам экан?*

## НАФОСАТ ДАРГОҲИДА

Шаҳримизнинг Глиэр номидаги республика музика мактаб-интернати ҳар йили юзга яқин ёш музика ихлосмандларини қучоқ очиб кутиб олади. Шаҳримиз ва республикамиз областларидан келган болалар бу ерда санъатнинг сеҳрли оламидан баҳраманд бўладилар, халқ чолғу асбоблари ва турли музика асбобларининг сир-асрорларини ўрганадилар.

Мактаб-интернатга бу йил 75 нафар ўғил ва қиз қабул қилинди. Бу ўғил-қизлар фортепьяно, ғижжак, виолончель, най, рубоб, сингари чолғу асбоблари бўйича мутахассисликка эга бўладилар.

Бу йил мактаб-интернат биринчи марта Афғонистон Демократик Республикаси болаларини қабул қилди. Демократик республика болалари бу ерда халқ чолғу асбоблари бўйича маълумотга эга бўлишади.

Ушбу нафосат даргоҳида болаларнинг музика бўйича етук малакага эга бўлишлари учун барча шароитлар муҳайё. Турли хил чолғу асбоблари, музика асарларига бағишланган кўриклар, қўшиқ конкурсларда болалар катта қизиқиш билан иштирок этишмоқда. Шунингдек, етук ўзбек композиторлари билан бўлаётган учрашувлар ҳам мароқли бўлмоқда.

Айни пайтда мазкур нафосат даргоҳида 700 нафарга яқин ўғил-қиз музика сирларини қунт билан ўрганмоқда.

*Ҳар тўғрида*

### КУТИЛМАГАН МЕҲМОНЛАР

Бразилиядаги Макаэ шаҳрининг аҳолиси денгиз суви қайтиши чоғида пляжнинг саёз жойига ботиб қолган она-бола китни қутқарди. Балиқчилар, полициячилар ва ўт ўчирувчилар пляжнинг кутилмаган меҳмонларини арқон боғлаб чуқур жойга тортиб туширдилар ва она-бола кит бу жойдан очиқ денгизга сузиб кета олди.

• • •

### ЭНГ ЧАҚҚОН САРТАРОШ

ТОКИО. Япониялик Исао Ития «дунёда энг чаққон сартарош» деган унвонга сазовор бўлди. У 55 минутда 400 кишининг соқолини олиб, бундан икки йил аввал бир соатда 368 кишинигина «қўлдан чиқаза олган» инглиз Жерри Харли қўйган «рекорддан» ўзиб кета олди. Итиянинг сартарошлик марафонида унинг ўн битта ассистенти ёрдам бериб турди. Улар янги «жаҳон ютуғи» учун курашда қатнашишга розилик берган кўнгиллиларнинг чакаларини чарчамай совунлаб турдилар.

• • •

### ЧАНГАЛЗОР ШОҲИ БИЛАН ОЛИШУВ

ДЕҲЛИ. 18 яшар ҳинд йигит Говинд мардлик ва эпчиллик кўрсатди. Укаси билан ўрмонда шоҳ-шабба йиғиб юриб тўсатдан сакрашга тайёрланаётган йўлбарсни кўриб қолди. Сўнгги секундда Говинд итининг қаттиқ ҳуриши йиртқичнинг эътиборини чалғитди. Йўлбарс йигитни қулатиб, шу итга ташланди. Говинд эса эсанкираб қолмай, чангалзор шоҳи билан дадил олишувга тушди. Чақконлик қилиб йўлбарснинг бошига оғир ўроқ солди. Ёрдамга келган укаси йиртқични бир ёқлик қилишда Говиндга кўмаклашди. Шу олишувда ҳайвоннинг ўткир тирноқларидан жасур йигитнинг бир неча жойи жароҳатланди, лекин унинг бахтига бу жароҳатлар унча хатарли эмасди.

(ТАСС).

**Суд залидан**

## ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

Куйбишев район халқ судининг мажлислар зали одамлар билан тўла. Суднинг қора курсиларида ҳали йигирма баҳорни кўрмаган уч ўспирин ўтиришибди. Улардан иккитаси — Алексей Дежин билан Сергей Домнушкин тунлари биргалашиб ошхона ва ётоқхоналарнинг қулфларини бузиб, ўғирлик қилиб юришди. Сергей Якозлевни ҳам текин пул топишга ўргатишди. Учовлон С. Яковлев ўқийдиган 57-ўрта ҳунар-техника билим юртининг ошхонасига яширинча бостириб киришди. 325 сўмлик абонемент билети, ёзув машинкаси, япон шамсиси ва жовондан шу ерда ишлозчиларнинг турли қимматбаҳо буюмларини ўмаришиб жўнаб қолишди. Улар бир-икки кун хавотирланиб юришди-да, нейин ўғирланган буюмларни тезда гумдон қилишди.

— Ана, туя кўрдингми, йўқ. Оғайнилар, ҳеч ким бизлардан гумонсирамаяпти, — деди кунлардан бир кун А. Дежин. — Фаолиятимизни бемалол давом эттираверишимиз мумкин.

Орадан ҳали ҳеч вақт ўтмай туриб, улар яна ўша ҳунар-техника билим юртининг ўқув корпусини мўлжалга олиб қўйишди. Пайт пойлаб туриб бу ердаги «Рекорд» ва «Крим» телевизорларини худди ремонтга олиб кетаётгандай кўтариб кетишаверди. Ғойиб бўлаётган нарсалар тўғрисида ҳеч ким лом-мим дегани йўқ.

Уч оғайни текин пул топишни давом эттирдилар. Район қозонхонаси ёнидаги «ГАЗ—24» машинасининг тўрттала ғилдираги билан чироқларини, артеллардан тикилган ва қолипга тортиб қўйилган пойафзаллардан 2 минг 968 сўмликни қоплларга жойлаб жўнашди-ю ишлари юришмай қолди. Тақсимот пайтида ўзаро келишолмай, жанжаллашиб қолган вақтларида қўлга тушиб қолишди. Умарилган нарса ва буюмларнинг қолган қисми эгаларига топширилди. Ўғирланган буюмлар ва минглаб сўм пул эса еб юборилганди.

Ўғирликни аниқлаш ва ўғриларни қўлга олиш осон бўлмади. Куйбишев район ички ишлар бўлимида оператив группа ташкил этилди. Унга милиция подполковниги Б. Қосимжонов бошчилик қилди. Милиция капитанлари Ҳ. Аъзамов, А. Караев ва участка инспектори Т. Тошпўлатовлар ҳақиқий ҳушёрлик кўрсатишди. Ҳ. Аъзамов билан Т. Тошпўлатовларга ташаккур эълон қилинди.

Қилмишларига тўла иқрор бўлган А. Дежин — 10 йил, С. Домнушкин — 9 йил, С. Яковлев — 8 йил муддатга қаттиқ режимли қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Р. РАНМБЕКОВ,

Куйбишев район ички ишлар бўлими катта участка инспектори, милиция майори.

Редактор ўринбосари
С. Б. ЕҚУБОВ.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

**ТЕАТР**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/IX да **Алмандар**, 19/IX да **Нодирабегим**, 20/IX да **Абу Али ибн Сино**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 18/IX да **Ишонмасанг ўламан**, 19/IX да **Хизматингизга тайёрман**, 20/IX да **Гулсара**.

**ЦИРК**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА ЮРИЙ ЭЛВЕРТИ РАҲБАРЛИГИДАГИ «ҚУШЛАР ЦИРКИ»НИНГ **гастроллари**.

**КИНО**

**18 СЕНТЯБРДА**

**ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:**

«БИРГАЛИКДАМИ ЕКИ АЙРИМ-АЙРИМ» — **Лисунов номли.**
«БИРГАЛИКДА ЮЛДУЗЛАР САРИ — **Қозоғистон.**
«ЛАРИСА» — **Искра.**
«МАКСИМАЛИСТЛАР» — **Дружба.**
«СОҒЛИҚ КОДЕКСИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли.**

**БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:**

«ЖАВОБ ЮРИШ» — **Дружба** (жуфт соатларда), **Узбекистон ССРнинг 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда), **Қозоғистон** (19, 21.00).
«СЎНГГИ ҚОЧИШ» — **Дружба** (тоқ соатларда) **Искра** (18, 20.00).
«СЕВГИ ҲАҚИДА УЧ БОРА» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

**19 СЕНТЯБРДА**

**ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:**

«БИРГАЛИКДАМИ ЕКИ АЙРИМ-АЙРИМ» — **Лисунов номли.**
«БИРГАЛИКДА ЮЛДУЗЛАР САРИ — **Қозоғистон.**
«ЛАРИСА» — **Искра.**
«МАКСИМАЛИСТЛАР» — **Дружба.**
«СОҒЛИҚ КОДЕКСИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли.**

**БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:**

«ЖАВОБ ЮРИШ» — **Дружба** (жуфт соатларда), **Узбекистон ССРнинг 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда), **Қозоғистон** (11, 12, 13, 14, 15, 19, 21.00).
«СЎНГГИ ҚОЧИШ» — **Дружба** (тоқ соатларда) **Искра** (14, 18, 20.00).
«СЕВГИ ҲАҚИДА УЧ БОРА» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА**

**ЯНГИ ПРОГРАММА**

АРЕНАДА БИРИНЧИ МАРТА

**ЮРИЙ ЭЛЬВОРТИ РАҲБАРЛИГИДАГИ**

**«ҚУШЛАР ЦИРКИ»**

**ВАЛЕРИЙ ЧУГУНОВ РАҲБАРЛИГИДАГИ**

**ЎРГАТИЛГАН АЙИҚЛАР АТТРАКЦИОНИ**

ИККИ БЎЛИМДАН ИБОРАТ ҲАР ХИЛ ПРОГРАММАЛАР НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИ.

**Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари соат 13, 16 ва 19.30 да бошланади.**

**Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.**

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

**44-35-91 телефони бўйича справкалар олиш мумкин.**

Ф. ЭНГЛЕЬС НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

**Чет тилларини ўргатадиган**

**ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА**

**ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

**Тингловчилар олий ўқув юртларига кирувчилар учун мўлжалланган ҳамда кандидатлик минимум имтиҳони программалари бўйича инглиз, немис ёки француз тилларини ўрганадилар.**

**Машғулотлар 15 ноябрдан бошлаб сешанба ва жума кунлари соат 19.00 дан** (4 академик соат) **ўтказилади.**

**Ўқиш муддати — 8 ой.**

**Курсларга кирувчилар институт ректори номига ариза ва маълумоти тўғрисидаги ҳужжат нусхасини топширадилар.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 104-уй, 119-хона (соат 17.00 дан 20.00 гача). Телефон 77-06-83.

**Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети**

46-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

**1981—1982 ўқув йилига**

**ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА**

**ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

**радиотелемеханик** (пуллик группа, битириш эркин), **телефонист-телеграфчи, шаҳар телефон тармоқлари линиялари ва абонент қурилмалари электромонтёри, кабелчи-қалайловчи, почта вагони бошлиғининг ўринбосари. Стипендия — 56 сўм.**

Телеграфчи ва телефонистликка 8—10-синф ҳажмида маълумотли, 16 ва ундан катта ёшдагилар (қизлар) қабул қилинадилар: шаҳар телефон тармоқлари линиялари ва абонент қурилмалари электр монтёрлигига, кабелчи-қалайловчи ва почта вагони бошлиғининг ўринбосарлигига — 17 ва ундан катта ёшдаги 8—10-синф ҳажмида маълумотлилар қабул қилинадилар.

БИЛИМ ЮРТИГА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ИШЛАШ ҲУҚУҚИНИ БЕРАДИГАН ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДА ПРОПИСКАСИ БЎЛГАН ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Телеграфчилар, линиялар ва абонент қурилмалари электромонтери, кабелчи-қалайловчилар учун ўқиш муддати — бир йил, почта вагон бошлиғининг ўринбосари ва телефонистлар учун ўқиш муддати 6 ой.

Ўқувчилар билим юртларини битирганларидан кейин (радиотелемеханиклар бундан мустасно) база корхонасига ишга юбориладилар.

**Машғулотлар группалар тўлишига қараб бошланади.**

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур бўлади: билим юрти директорининг номига ёзилган ариза, автобиография, справкалар, турар жойидан, медицина (286-форма) 4 та фотосурат (3х4 см), маълумоти тўғрисида ҳужжат.

Бизнинг адрес. 700015, Тошкент шаҳри, Ленин районы, Кафанов кўчаси, 51-уй(8, 9, 10, 24-трамвайлар, 9-автобуснинг «Кафанов кўчаси» бекати). Телефон 56-58-87.

**«ТАШХЛЕБТОРГ»НИНГ**

**КАФЕТЕРИЯ БЎЛИМЛАРИДА КОНДИТЕРЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ, НОН-БУЛКА МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ КИЧИК СОТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН**

**3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА**

**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Ўқувчиларга 1 ва 2 ойда 52 сўм 50 тийин, 3 ойда эса — 56 сўм стипендия берилади.**

КУРСЛАРГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

**Курсларни битирганларга совет савдо техникумга кириш-лари учун имтиёзлар берилади.**

**Курсларга кирувчилар:** паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 3х4 см. ҳажмидаги 2 дона фотосуратларни топширадилар.

**МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Темирязов кўчаси, 28-уй (2, 16, 25-трамвайларнинг «Қозоғистон» кинотеатри», 3, 22, 23, 29-трамвайлар ва 19, 47-автобусларнинг «Ташхлебторг» бекатлари).

**«Ташоблколхозстрой» трестининг**

25-КОЛХОЗЛАРАРО ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЧМА МЕХАНИЗАЦИЯ КОЛОННАСИГА

**экскаваторчилар, автокранчилар** (зарур бўлганларга квартира берилади); **яқинда ишга туширилган майдалаш-сортировка ҚА ва ш қурилмаси эксплуатациясида ишлаш учун шоферлар, операторлар, машинистлар, ёрдамчи ишчилар** (турар жой навбати билан берилади)

**КЕРАК**

Мурожаат учун адреслар: Тошкент область, Оржоникидзе райони, Тузель қишлоқ Совети, Чингельди поселкаси («Шастри» автостанцияси» — «Чингельди» автобусида бориш мумкин).

ТОШКЕНТ ТЕПЛОВОЗ ДЕПОСИ

тепловоз машинисти ёрдамчиларини тайёрлайдиган

**6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА**

**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.**

**Ҳар ойда 90 сўмдан стипендия берилади.**

**Ёлғиз кишилар яхши жиҳозланган ётоқхонага прописка қилинадилар.**

Мурожаат учун адрес: 700005, Куйбишев шоссеси, 13, 22-уй, кадрлар бўлими.

**ЗАНГОРИ ЭКРАНДА**

**18 СЕНТЯБРЬ — ЖУМА**

**Марказий телевидениенинг «Восток» программаси**

19.05 Дунё воқеалари, 19.30 «Фан оламида». 20.00 «Халқ оҳанглари». 20.15 «Кутиш зали» Телевизион спектакль премьераси, Автор — Г. Никитин. 21.30 «Время». 22.05 Халқ ижодиёти ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 22.30 СССР халқ артисти Б. Штоколов ва Андреев номли рус халқ оркестрининг концерти. Давлат Марказий концерт залидан олиб кўрсатилади. 24.00 «Дунё воқеалари». 00.35 СССР халқ артисти Б. Штоколов ва Андреев номли рус халқ оркестри концертининг давоми.

**Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси**

19.30 «Киносаёҳатчилар клуби». 20.30 Оғир атлетика бўйича жаҳон ва Европа чемпионати. Франциядан олиб кўрсатилади. 21.15 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Сеҳрли экран». 21.30 «Время» 22.05 «Олтин мина». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-серриялар.

**Узбекистон телевидениесининг программаси**

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ёшларнинг меҳнат дастхати» (рус.). 19.00 «Ҳаёт каби гўзал». 19.30 «Ахборот». (рус.), 19.45 Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги. 20.30 «Ахборот». 20.50 Республикада хизмат кўрсатган артист Фаттоҳхон Мамадалиев ижросида классик қўшиқлар. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Дунё воқеалари. 22.35 Мени ўлди десалар ишонма». Бадиий фильм. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

II

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун фильм. 18.20 «Абрамцево музей-чорбоғи». Телефильм. 18.50 Узбектелефильм: Изланишлар ва муаммолар (рус.). 19.30 Ўқитувчилар учун консультация. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Ўрмон ходимлари кунига ҳужжатли фильмлар программаси. 21.30 МТ IV.

**19 СЕНТЯБРЬ — ШАНБА**

**Марказий телевидениенинг «Восток» программаси**

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.00 «Русские узоры» халқ чолғу оркестрининг чиқиши. 10.30 «Ота-оналар, Сизлар учун». 11.00 «Советлар ва ҳаёт». 11.30 Г. Гендель. Арфа ва оркестр ижроси учун концерт. 11.40 «Спортлото»нинг 38-тиражи. 11.50 Бадиий гимнастика бўйича СССР чемпионати. 12.10 «Сиз бунга қодирсиз». 12.55 Ўрмон ходимлари кунига. Владимир, Архангельск областлари ва Карелия АССР ўрмон хўжалиги ходимлари ҳақида очерк. 13.30 «Камалак» халқ ижодиёти телевизион программаларининг IV Халқаро фестивали: «Мексика рақслари» (Мексика). 14.00 «Ветеранлар сафда». Уруш ветеранлари Совет комитетининг 25 йиллигига. 15.00 «Дунё воқеалари». 15.15 Болалар учун фильм. «4-«А» нинг мушкетёрлари. 15.55 «Китоблар — дўстлик жарчилари». Москвадаги III Халқаро китоб кўргазма-ярмаркаси ҳақида. 16.40 «Ҳайвонот оламида». 17.40 Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати.

18.10 «Цирк майдонида». 18.55 «Даромадли жой». ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театрининг фильм-спектакли. А. Н. Островскийнинг шу номли пьесаси асосида. 21.30 «Время». 22.05 «Келинг, қўшиқ куйлаймиз, дўстлар». 23.50 Янгиликлар.

**Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси**

9.00 «Время». 9.45 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 10.40 От спорти бўйича Европа чемпионати. Австриядан олиб кўрсатилади. 10.55 «Тонгги почта» музикали программаси. 11.25 Александр Гриннинг «Қрим саҳифалари». Телевизион ҳужжатли фильм. 11.55 «Қўшиқларимиз, парвоз эт». 12.40 Оғир атлетика бўйича жаҳон ва Европа чемпионати. Франциядан олиб кўрсатилади. 12.55 Халқ оҳанглари. 13.10 «Кувноқ айиқчалар». СССР халқ артисти С. В. Образцов раҳбарлигидаги Давлат Марказий қўғирчоқ театрининг фильм-спектакли. 14.05 Ёш келин-куёвлар телевизион клуби. 15.25 «1981 йил қўшиқлари». 16.35 А. Штейн. «Вақт асирлигида». Москва Сатира театрининг фильм-спектакли.

18.55 «Тундра ҳақида ҳикоялар». Ҳужжатли фильм. 19.25 «Музикали киоск». 19.55 «Терракота табассуми». Телевизион ҳужжатли фильм. (Тошкент). 20.10 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг академик рус халқ чолғу оркестри ижро этади. 20.30 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время», 22.05 «Сўнгги дюйм». Бадиий фильм. 23.30 Теннис бўйича Дэвис кубоги.

**Узбекистон телевидениесининг программаси,**

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар 10.10 «Сўз кетидан сўз келар», Мактабгача ёшдаги болаларни рус тилида сўзлашишга ўргатиш. 10.30 «Ҳақиқий дўстлар». Мультфильм. 10.40 Ж. Оффенбах. «Гўзал Елена» Красноярск музикали комедия театрининг спектакли (такрорий). 12.40 «Отаолар ва болалар». Бадиий фильм (рус.). 14.20 Шахмат мактаби. Бошловчилар синфи. 14.50 «Актёрлар ва роллар». Ўринбой Нуралиев. 16.10 Реклама.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Синюшкининг қудуғи». Мультфильм. 18.35 «Шоирлар — болаларга». 19.05 Ал-Хоразмийнинг 1200 йиллигига бағишланган кўрсатув. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Тошкентда бўладиган «1981 йил қўшиқлари» Бутуниттифоқ фестивали олдидан. 20.30 «Ахборот», 20.50 Ўзбекистон ССР халқ артисти О. Худойшукуров концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Хирмонингизга барака», 22.20 «Тергов практикасидан бир ҳодиса». Бадиий фильм. 23.45 Регби бўйича СССР чемпионати, 1-лига (ёзиб олинган). 00.15 Кўрсатувлар программаси.

II

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 Болалар учун фильм. «Гулька». 18.40 «Костёр». Мактаб ўқувчилари учун программа. 19.10 «Новости». 19.25 Ёшлар учун ҳарбий-спорт программаси. 20.20 «Ахбор». 20.45 Концерт. 21.30 МТ IV.

МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ГРАЖДАНЛАР

**ДИҚҚАТИГА**

**О. БАЛЬЗАКнинг «ПАРИЖ ҲАЕТИДАН САҲНАЛАР» китоби учун 19- ва 20 сентябрда абонементлар бериш бошқа кунга қолдирилади.**

**19 ВА 20 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ ҲАММА ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИ МАГАЗИНЛАРИДА Г. ЧЕСТЕРТОННИНГ «ХИКОЯЛАР» КИТОБИГА АБОНОМЕНТЛАР БЕРИЛАДИ.**

**Тошкент шаҳар «Вторсирьё« ишлаб чиқариш тайёрлаш корхонаси.**

Ўзбекистон ССР сув хўжалиги министрлиги «Водспецремонт» республика трестининг Тошкент хўжалик ҳисобидаги автотранспорт корхонасига тегишли йўқолган

ГЕРБЛИ ПЕЧАТИ

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Ташгосснабторг» 12-майда улгуржи магазинининг йўқолган

«АВТОТРАНСПОРТ УЧУН» ШТАМПИ

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**«Узглавтоплесстройторг»нинг**

ТОШКЕНТ ЁҚИЛҒИ БАЗАСИ

**Томларни беркитиш учун говакли плиталарни** (баҳоси 57 сўм 84 тийиндан) **ва тўсиқ учун ПЗ—1 панелларни** (баҳоси 40 сўм 42 тийиндан)

НАҚД ПУЛГА

**СОТАДИ**

Справкалар олиш учун адрес: Тошкент шаҳри С. Раҳимов район, Уста Ширин кўчаси, 125-уй. Телефонлар: 48-46-81, 48-46-91, 48-46-22.

4 ТОШКЕНТ бет. ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83. совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 39-90-50.

18 СЕНТЯБРЬ, 1981 й. Р — 07355. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. индекс 64581. В—2198.